ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

6-сон (922) 2020 йил 17 февраль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

59. «Ўзбекистон Республикасида гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 февралдаги ПҚ–4592-сон қарори

60. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3818-сон қарорига қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 февралдаги ПҚ–4594-сон қарори

61. «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказининг фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 февралдаги ПҚ–4597-сон қарори

62. «Қорақалпоғистон тиббиёт институтини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 февралдаги ПҚ–4598-сон қарори

Учинчи бўлим

63. «Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 февралдаги 71-сон қарори

64. «Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида талабгорларга фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини беришни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 февралдаги 74-сон қарори

65. «Товарлар (ишлар, хизматлар)ни импорт қилишда қўшилган қиймат солиғи тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддатини узайтириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 февралдаги 76-сон қарори

Бешинчи бўлим

66. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг 2019 йил 30 декабрдаги 46-сон «Хорижда бўлган (бўлиб турган) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг консуллик рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3218)*

67. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 28 декабрдаги 33/6-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-19)*

68. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2020 йил 27 январдаги 2-мҳ-сон «Ўқувчиларни синфдан синфга ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2684-2)*

69. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 13 декабрдаги 30/6-сон «Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилот-

лари фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3219)*

70. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 26 декабрдаги 01-02/15-72-сон «Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2784-1)*

71. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 26 декабрдаги 01-02/15-71-сон «Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3220)*

72. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 14 январдаги 108-сон «Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага энг кам талабларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2905-4)*

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2020 йил 8 февралдан 14 февралгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

59 Ўзбекистон Республикасида гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида*

2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси доирасида аҳолига қулай ва сифатли бирламчи тиббий-санитария, тез тиббий ёрдам ҳамда ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатишда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, гематологик, онкогематологик ва бошқа даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш, ушбу касалликлар профилактикасини кучайтириш ва уларни келтириб чиқарувчи омилларнинг олдини олиш бугунги кунда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Аҳолига гематологик ёрдам кўрсатишни янги босқичга кўтариш, касалликларнинг олдини олиш ва эрта аниқлаш тизимини янада ривожлантириш, соҳага илғор ташхис усулларини жорий этиш ва гематологик касалликларни даволашда трансплантация усулини ривожлантириш, гематология ва трансфузиология хизматларининг моддий-техник базаси ҳамда кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, шунингдек, онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни даволашни молиявий томондан қўшимча қўллаб-қувватлашни ташкил этиш мақсадида:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасида гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

гематологик касалликларга ташхис қўйиш учун тиббиёт муассасаларининг лабораторияларини реагентлар билан таъминланганлик даражасини 7,5 баробарга ошириш;

республика ва ҳудудий тиббиёт муассасаларининг гематологик касалликларини даволаш учун зарур бўлган дори воситалари билан таъминланганлик даражасини 2020 йилда 6 баробарга ва кейинги йилларда босқичма-босқич ошириб бориш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 11 февралда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

миелома ва лимфома касаллигига чалинган беморларда аутологик ўзак ҳужайралари трансплантациясини ўтказиш;

трансфузиология (қон билан ишлаш) хизмати моддий-техника базасини яхшилаш, қон компонентлари ва препаратларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли ўртасида беғараз донорлик ҳаракатини ривожлантириш.

Дастурга мувофиқ гематология хизматини ривожлантириш учун 546,5 млрд сўм ва 70,7 млн АҚШ доллари ажратилиши назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Гематология ва трансфузиология хизматларининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин:

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб ва кейинги беш ўқув йили давомида «Гематология ва трансфузиология» мутахассислиги йўналиши бўйича магистратура ва клиник ординатурада кадрларни давлат грантлари асосида тайёрлаш;

ҳудудий тиббиёт муассасаларининг гематолог ва лаборант шифокорларини асосий иш жойларида ойлик маоши сақлаб қолган ҳолда республиканинг етакчи тиббиёт муассасаларида стажировка ўташи ва малака оширишини ташкил этиш;

гематология йўналиши бўйича кадрларни хорижий олий таълим ва илмий муассасаларнинг клиник ординатура (резидентура), магистратура ва докторантура босқичларида тайёрлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти негизида Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказини (кейинги ўринларда — Марказ);

Бухоро, Жиззах, Навоий, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари катталар ва болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган ўрин-жойлар сонини ошириш ҳисобига гематология бўлимларининг катталар ва болалар учун мўлжалланган ўрин-жойларини мос равишда 20 — 30 тага етказиш ҳамда Тошкент шаҳридаги тегишли тиббиёт муассасасида 20 — 30 ўринли катталар бўлимини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) Марказ:

Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ташкилотларининг гематология бўлимлари фаолиятига ташкилий-методик раҳбарлик қилади;

б) 2020 йил 1 апрелдан бошлаб Марказга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг республика ихтисослаштирилган тиббиёт

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

марказларининг фаолиятини юритиш билан боғлиқ амалдаги тартиб татбиқ этилади.

5. Давлат активларини бошқариш агентлиги, «Ҳудудгазтаъминот» АЖ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Ҳудудгазтаъминот» АЖ Чилонзор туман газ таъминоти филиалининг Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 5-мавзе, 55 а-уйда жойлашган бино ва иншоотларини тегишли ҳудуди билан бирга Марказ инфратузилмасини яхшилаш мақсадида Марказга бепул ўтказиб бериш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги икки ой муддатда «Ҳудудгазтаъминот» АЖ Чилонзор туман газ таъминоти филиалига тегишли ер майдони ажратилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қурилиш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 сентябрга қадар Марказга янги бино қуриш ва мавжуд биноларни реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш чораларини кўрсин.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳисобидан Марказнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга зарур маблағлар ажратиш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг асосий параметрларига Марказга янги бино қуриш ва мавжуд биноларни реконструкция қилиш лойиҳасини киритиш бўйича белгиланган тартибда тегишли ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

9. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушадиган тамаки маҳсулотлари учун акциз солиғи йиғим суммасининг 7 фоизи;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

10. Белгилансинки:

а) Жамғарма маблағлари ҳисобидан ташхис қўйиладиган ва даволанадиган онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади;

б) Жамғарма маблағларидан:

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун тегишли тиббиёт муассасаларига асбоб-ускуналар, дори воситалари, тиббий буюмлар, лаборатория реактивлари ва бошқа сарфлаш воситаларини сотиб олишда;

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликлар бўйича юқори технологияли мураккаб операцияларни амалга ошириш учун юқори малакали хорижий мутахассисларни республикага жалб қилишда;

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларга республика ҳудудидаги давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларининг юқори технологик ташхис ва тиббий ёрдам кўрсатиш хизматларини харид қилиш харажатларини қоплаш учун фойдаланилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Жамғарма тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда Жамғарма маблағларини сарфлашнинг аниқ ва шаффоф тартиби, унинг даромадлари ва харажатлари бўйича ҳисобот бериш, ошкоралик ва холисликни таъминлаш масалаларини назарда тутсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда:

Марказнинг тузилмаси ва уставини;

республика, вилоят ва туман (шаҳар) миқёсида кўрсатиладиган тиббий хизматлар ҳажми ва тури бўйича гематологик тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини;

мутахассисларнинг функционал вазифаларини ҳамда гематолог кабинети ва бўлимини жиҳозлаш стандартларини тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг ҳар йилги параметрларини шакллантиришда ушбу қарор билан тасдиқланган тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағларни назарда тутсин;

Жамғармага белгиланган миқдордаги маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан йўналтирилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Дастурда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва халқаро ҳукумат молиявий ташкилотларининг имтиёзли кредитлари (қарзлари) ва грантларини жалб қилиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарор ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов — мазкур қарорнинг ўз вақтида сифатли ва тўлиқ ижро этилишини таъминласин, унда кўрсатилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун масъул вазирлик, идоралар ва ташкилотлар фаолиятини самарали мувофиқлаштирсин, уларнинг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини ҳар чоракда қабул қилсин ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров — мазкур қарор билан белгиланган тегишли чора-тадбирларни тўлиқ ҳажмда молиялаштирилишини таъминласин, ажратилаётган бюджет маблағларининг самарали фойдаланиши устидан назорат ўрнатилишини ташкил қилсин;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадманов — аҳолига гематологик ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, касалликлар профилактикаси, эрта ташхис қўйиш ва даволаш чораларини такомиллаштирсин, Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминласин ҳамда мазкур қарор ижроси бўйича ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Б.М. Низамов — Марказга янги бино қуриш ва мавжуд биноларни реконструкция қилиш, гематология ва трансфузиология хизматларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани белгиланган муддатларда ва тўлиқ ҳажмда харид қилиш ишларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминласин ҳамда соҳага халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг грант маблағларини кенг жалб қилсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимов ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси в. б. А.Д. Хаджаев — ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, пресс-конференциялар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсинлар.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 10 февраль,
ПҚ–4592-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 10 февралдаги
ПҚ–4592-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон қарори билан тасдиқланган Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари — тиббий хизматлар кўрсатишнинг тегишли ихтисослаштирилган йўналишлари бўйича республиканинг бош тиббиёт ташкилотлари рўйхати қуйидаги мазмундаги 17-банд билан тўлдирилсин:

«17. Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 ноябрдаги ПҚ–3365-сон қарори билан тасдиқланган 2018 — 2021 йилларда илмий-тадқиқот муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш дастурининг рус тилидаги матни «Министерство здравоохранения Республики Узбекистан» бўлими 5-позициясининг «Наименование научно-исследовательского учреждения» устунидаги «Научно-исследовательский институт гематологии и переливания крови» сўзлари «Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр гематологии» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4310-сон қарорига 5-иловада:

а) «Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий ва илмий тиббиёт марказлари, уларнинг филиаллари» блоки қуйидаги мазмундаги 18-банд билан тўлдирилсин:

«18. Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази»;

б) «Илмий-тадқиқот институтлари (ИТИ)» блокида:

2-банд чиқариб ташлансин;

3 — 8-бандлар тегишинча 2 — 7-бандлар деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 сентябрдаги ПҚ–4440-сон қарори билан тасдиқланган 2019 — 2024 йилларда кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш чора-тадбирлари дастурининг 8-позицияси «Тадбирларнинг номи» устунидаги «(Тренаксан)» сўзи «(VIII, IX қон ивиш омиллари)» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

60 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3818-сон қарорига қўшимча киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, шунингдек, маҳсулотларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш бўйича ишларни такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3818-сон қарорининг 3-банди тўртинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Бунда, 2020 йил 1 августдан бошлаб Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турлари (истеъмол қадоқларига эга бўлмаган товарлардан ташқари) ишлаб чиқарувчи томонидан Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида (лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида) маркировка қилинмаган тақдирда, мазкур товарларга мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш тақиқланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно».

2. «Ўзстандарт» агентлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 11 февраль,
ПҚ–4594-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 11 февралда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

61 Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказининг фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказининг молиявий ва моддий-техник таъминотини яхшилаш, унинг тажриба-синов майдонларини кенгайтириш ҳамда тузилмасини такомиллаштириш, Оролбўйи ҳудудида инновацион ва илмий ишланмаларни янада кенгроқ жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3975-сон қарорига асосан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация маркази (кейинги ўринларда — Халқаро инновация маркази) томонидан:

Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида 20,3 гектар майдонда «Мўйноқ» тажриба-синов майдони, Нукус туманида 20 гектар майдонда «Саманбай» тажриба-синов майдони ташкил этилганлиги;

шўрланиш ва қурғоқчиликка чидамли чўл ва манзарали ўсимликлар генофонди шакллантирилиб, унга киритилган 13 турдаги ўсимлик дунёси объектлари синовдан ўтказилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Халқаро инновация маркази ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг Орол денгизи қуриши оқибатларини бартараф этиш ҳамда сайёҳлар сонини кўпайтиришга қаратилган «My garden in the Aral Sea» («Оролдаги боғим») агро ва экотуризм лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Оролбўйи ҳудудида илмий-тадқиқот ва амалий ишларни олиб бориш, шунингдек, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ривожлантириш бўйича инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун кўргазмали тажриба-синов майдонларини ташкил этиш мақсадида Халқаро инновация марказининг эҳтиёжларига мувофиқ равишда ушбу марказга икки ой муддатда доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши — Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги захира ер майдонлари ҳамда Орол денгизининг қуриган тубидаги ҳудуддан;

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси — Оролбўйи ҳудудидаги ўрмон фонди ерларидан ер майдонлари ажратилишини таъминласин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 февралда эълон қилинган.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Халқаро инновация марказининг бино ва иншоотларини сақлаш, шунингдек, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар 2020 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади ҳамда шу муносабат билан ушбу харажатларни Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тўхтатилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани «Мўйноқ» тажриба-синов майдонида маъмурий ва ишлаб чиқариш биноларини қуриш, шунингдек, Нукус тумани «Саманбай» тажриба-синов майдонида лаборатория биноси ва хостел қуриш ҳамда ушбу ҳудудни ободонлаштириш бўйича харажатлар Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, тижорат банклари кредитлари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Халқаро инновация марказининг илмий лабораторияларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, шу билан бирга зарур сарфланадиган материаллар ва бутловчи буюмлар билан узлуксиз равишда таъминлаш, шунингдек, «My garden in the Aral Sea» («Оролдаги боғим») агро ва экотуризм лойиҳасини амалга ошириш бўйича харажатлар Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

5. Халқаро инновация маркази директорига, зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда Халқаро инновация марказининг ижро аппарати тузилмасига Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қўшимча штат бирликларини киритиш ҳуқуқи берилсин.

6. Халқаро инновация маркази Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 майга қадар Халқаро инновация маркази ҳузуридаги Оролбўйида инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштириш тартибини назарда тутган ҳолда ушбу жамғарма тўғрисидаги низомнинг янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Халқаро инновация маркази Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда доимий равишда вазирликлар, идоралар, илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилган Орол фожиаси оқибатларини юмшатишга қаратилган илмий-инновацион лойиҳалар, шу жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Оролбўйи ҳудуди учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп шериклик Траст фонди грантлари ва улардан мақсадли фойдаланилиши тўғрисидаги

маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиб борсин.

8. «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ икки ой муддатда Халқаро инновация марказининг маъмурий биноси ва унга туташ ҳудудларни барча зарур асбоб-ускуналарни ўрнатган ҳолда электр энергия билан таъминлашни ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириши маълумот учун қабул қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси уч ой муддатда мавжуд тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида «Мўйноқ» тажриба-синов майдонига олиб борувчи ички йўл ва Нукус туманида «Саманбай» тажриба-синов майдонига олиб борувчи 2,1 км узунликдаги йўл (4R 176-Г), шунингдек, Халқаро инновация маркази маъмурий биносига киришдаги 650 м узунликдаги йўлларда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан таъмирлаш ишлари амалга оширилишини таъминласин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Нукус шаҳар Марказий бозоридан Нукус туманидаги Халқаро инновация маркази ҳудудигача бўлган йўналишда мунтазам жамоат транспорти қатнови ташкил этилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3975-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Мазкур қарор ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов — мазкур қарор ижросининг масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини ташкил қилсин, улар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини қабул қилсин ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдураҳмонов — Оролбўйи ҳудудида инновацион ва илмий ишланмаларни кенг жорий этсин, Халқаро инновация марказининг инновацион ва илмий фаолиятини мувофиқлаштирсин, мазкур қарорда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул вазирлик, идора ва ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда унинг ижроси бўйича 2020 йил 1 июнга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига якуний ахборот киритсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Қ.Р. Сариев — Халқаро инновация марказининг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратилиши, шу жумладан тегишли инфратузилма объектларининг барпо этилишини, ушбу тадбирларнинг мазкур қарорга мувофиқ

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан ўз вақтида молиялаштирилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 12 февраль,
ПҚ–4597-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 12 февралдаги
ПҚ–4597-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3975-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 6-банднинг «б» кичик бандидаги «(2018 йилда ва 2019 йилнинг биринчи ярим йиллигида)» сўзлари «(2018-2019 йилларда)» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 7-бандда:

а) иккинчи хатбоши «тузилмасига» сўзидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда Халқаро инновация марказининг ижро аппарати тузилмасига Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қўшимча штат бирликларини киритиш»;

в) учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

62 Қорақалпоғистон тиббиёт институтини ташкил этиш тўғрисида*

Оролбўйи минтақаси учун тиббиёт соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ҳудуд аҳолисига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати ва кўламини ошириш, тиббий амалиётнинг таълим ва илм-фан билан ўзаро мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, соҳадаги илғор ютуқ ва инновацияларни даволаш-ташхис жараёнига жорий этиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг:

Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали негизида Қорақалпоғистон тиббиёт институтини (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этиш;

Қорақалпоғистон тиббиёт институти клиникасини (кейинги ўринларда — Институт клиникаси) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Институт фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

узлуксиз тиббий-касбий таълим тизимида юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва инновацион ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш, клиника ва ўқув базаси фаолиятида назарий билим ҳамда амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш учун зарур шароитлар яратиш;

фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини тиббиёт амалиётидаги мавжуд муаммоларнинг ечимига қаратиш, тиббий таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини тиббиёт амалиётидаги мавжуд муаммоларнинг ечимига қаратиш, тиббий таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;

таълим муассасаси ва Институт клиникаси илмий салоҳиятини мунтазам равишда ошириб бориш, профессор-ўқитувчилар ва илмий изланувчиларнинг нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этишларини таъминлаш;

хорижий тиббиёт олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик доира-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 февралда эълон қилинган.

сида талабалар, профессор-ўқитувчилар ва илмий изланувчилар академик мобиллиги дастурлари ҳамда қўшма таълим дастурларини ривожлантириш;

талабаларда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш учун шарт-шароитлар яратиш, ёшларни инсонпарварлик ва юксак маънавий ғоялар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш;

моддий-техник базани модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш, симуляцион марказ, ўқув ва илмий-тадқиқот лабораторияларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш.

3. Белгилансинки:

Институт Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиалининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Институтга қабул ҳар йили белгиланадиган Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари доирасида амалга оширилади;

Институт клиникаси муассиси Институт ҳисобланади ҳамда унинг фаолияти Институт томонидан мувофиқлаштирилади;

Институт ва Институт клиникаси — юридик шахс мақомига эга бўлган, тегишлича давлат олий таълим муассасаси ва давлат тиббиёт муассасаси ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, шахсий ғазна ҳисобварақларига, банк ҳисобварақларига, шу жумладан, хорижий валютадаги банк ҳисобварақларига эга бўлади;

Институт клиникаси бош шифокори яширин овоз бериш йўли орқали Институт илмий кенгашининг тақдимномасига кўра, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Институт ректори Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қуйидагиларни амалга ошириш ҳуқуқига эга:

таълим жараёнини самарали ташкил этиш, даволаш ишларига замонавий усулларни татбиқ этиш ҳамда талабалар ва профессор-ўқитувчиларга қўшимча шароитлар яратиш мақсадида Институт клиникаси ва ўқув базаларидаги ўқув хоналарини таъмирлаш, жиҳозлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

Институт клиникасида юқори технологияли ташхис қўйиш ва даволаш усулларини жорий этиш ҳамда Институтга қўшимча маблағлар тушириш мақсадида Институт клиникаси билан ўзаро шартномалар асосида ҳамкорликда пуллик асосда тиббий хизматлар кўрсатиш бўлинмаларини ташкил этиш.

5. Институт клиникаси фаолияти:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган ташхис қўйиш (диагностика) ва даволаш стандартларига риоя қилган ҳолда имтиёзли тоифага кирувчи беморларга ордер бериш, уларни шифохонага жойлашти-

риш ва Давлат бюджети маблағлари ҳисобига даволаш қийматини тўлаш, шунингдек, аҳолига пуллик асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож беморларни шифохонага жойлаштириш;

республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари даромадларини шакллантиришнинг асосий манбалари ва улар фаолиятини молиялаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидалар асосида ташкил этилади.

6. Белгилаб қўйилсинки, Институт клиникаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзига бириктирилган давлат мулкидан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш бўйича ишларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш;

Институт билан келишилган ҳолда лавозимлар рўйхати ва сонини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларини бажариладиган ишларнинг мураккаблик даражаси, сифати ва ҳажмига нисбатан табақалаштирилган тарзда белгилаш.

7. Қуйидагилар:

а) Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

талабаларнинг тўлов-контракт асосида таълим олишидан, шартномалар асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) Институт клиникаси фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари;

амалга оширилган ва кўрсатилган тиббий хизматлардан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари Институт клиникасига Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳақиқатда имтиёзли даволанган беморлар бўйича Институт клиникаси тақдим этган чораклик ҳисоботлардан келиб чиққан ҳолда ажратилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

бир ой муддатда олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативлар асосида Институт тузилмаси белгиланган тартибда тасдиқланиши;

Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиалининг барча талабалари Институтнинг мос таълим йўналиши ва мутахассисликларига ўтказилиши ҳамда битирувчи курс талабаларига белгиланган тартибда Институт дипломи берилиши;

Институт клиникасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 майдаги «Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ф–4947-сон фармойиши асосида барпо этилган бино ва иншоотларга жойлаштирилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва бошқа тиббиёт олий таълим муассасалари томонидан уларнинг юқори малакали профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда Институтда масофавий таълим орқали дарс машғулотларини ўтказиш, шунингдек, Институт клиникасида телемедицина имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш ва тиббиёт амалиётларини олиб бориш учун зарур шарт-шароитлар яратиш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарор ижросини назорат қилишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов — ушбу қарор ижросини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъминласин, белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштирсин, ҳар чоракда улар раҳбарларининг ҳисоботларини қабул қилсин ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадманов — Институт ва Институт клиникаси фаолиятини самарали ташкил этсин, мазкур қарорни ижро этиш юзасидан барча зарур чоралар кўрилишини таъминласин, белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда унинг ижроси бўйича ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Қ.Р. Сариев — ташкил этилаётган Институт клиникаси жойлаштирилиши, унинг бино ва иншоотларини белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилиши ҳамда қабул қилинишини таъминласин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси в.б. А.Д. Хаджаев — ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти, амалий аҳамияти ҳамда Оролбўйи минтақаси учун юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ҳудуд аҳолисига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати ва кўлами-

ни ошириш борасида амалга оширилаётган ишларни мунтазам ёритиб борсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 14 февраль,
ПҚ–4598-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 14 февралдаги
ПҚ–4598-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги «Иммунология ва инсон геномикаси соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион ишларни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3838-сон қарори 8-бандининг тўртинчи хатбошисидаги «Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиалининг» сўзлари «Қорақалпоғистон тиббиёт институтининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4310-сон қарори 5-иловасининг «Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари, уларнинг филиаллари ва клиникалари» блоки қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Тошкент тиббиёт академияси
2. Тошкент педиатрия тиббиёт институти
3. Тошкент фармацевтика институти
4. Тошкент давлат стоматология институти
5. Андижон давлат тиббиёт институти
6. Самарқанд давлат тиббиёт институти
7. Бухоро давлат тиббиёт институти
8. Қорақалпоғистон тиббиёт институти
9. Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали
10. Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали
11. Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиали».

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

63 Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

«Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ, шунингдек, шахсга доир маълумотлар базаларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш, шахсга доир маълумотларга ишлов беришда қонунчилик талабларига мувофиқлик назорат қилинишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестри тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрини юритиш бўйича ахборот тизимини яратсин;

икки ой муддатда Интернет жаҳон ахборот тармоғида Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрини юритиш бўйича ахборот тизимини ишга туширсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази директори Н.С. Тураходжаев зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Телекоммуникациялар, IT-технологиялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари котибиятига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 8 февраль,
71-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 8 февралда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 8 февралдаги 71-сон қарорига
ИЛОВА

Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестри тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Шахсга доир маълумотлар базалари давлат реестрини (кейинги ўринларда Давлат реестри деб аталади) шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди.

2. Давлат реестри шахсга доир маълумотлар базаларини рўйхатга олиш ва ҳисобини тизимлаштириш ҳамда шахсга доир маълумотларга ишлов бериш жараёнида қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқликни назорат қилиш мақсадида шакллантирилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

шахсга доир маълумотлар — муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган, электрон тарзда, қоғозда ва (ёки) бошқа моддий жисмда қайд этилган ахборот;

шахсга доир маълумотлар субъекти (кейинги ўринларда субъект деб аталади) — шахсга доир маълумотлар ўзига тааллуқли бўлган жисмоний шахс;

шахсга доир маълумотлар базаси — таркибида шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган ахборот тизими тарзидаги маълумотлар базаси;

шахсга доир маълумотлар базасининг мулкдори (кейинги ўринларда мулкдор деб аталади) — шахсга доир маълумотлар базасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органи, жисмоний ва (ёки) юридик шахс;

шахсга доир маълумотлар базасининг оператори (кейинги ўринларда оператор деб аталади) — шахсга доир маълумотларга ишлов беришни амалга оширувчи давлат органи, жисмоний ва (ёки) юридик шахс;

Давлат реестри — мулкдор ва (ёки) оператор томонидан ариза бериш йўли билан рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базаларининг рўйхати;

шахсга доир маълумотлар базасининг Давлат реестридаги қайд рақами (кейинги ўринларда қайд рақами деб аталади) — мулкдор ва (ёки) оператор томонидан ариза бериш орқали хабардор қилиш йўли билан рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базасининг Давлат реестридаги қайд этилган рақами.

4. Шахсга доир маълумотлар базалари мулкдор ва (ёки) оператор томонидан Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

5. Ушбу Низом талаблари:

жисмоний шахс томонидан шахсга доир маълумотларга шахсий, маи-

ший мақсадларда ва ўз касбий ёки тижорат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлов бериш;

Миллий архив фонди ҳужжатларини ва шахсга доир маълумотларни ўз ичига олган бошқа архив ҳужжатларини шакллантириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш;

давлат сирларини ташкил этадиган маълумотлар жумласига киритилган шахсга доир маълумотларга ишлов бериш;

тезкор-қидирув, разведка ва контрразведка фаолияти, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш жараёнида, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш доирасида олинган шахсга доир маълумотларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Ўз таркибида:

жамоат бирлашмасининг ёки диний ташкилотнинг иштирокчиларига (аъзоларига) тааллуқли бўлган ҳамда тегишлилигича жамоат бирлашмаси ёки диний ташкилот томонидан ишлов бериладиган шахсга доир маълумотлар, уларни учинчи шахсларга тарқатмаслик ёки ошкор этмаслик шарти билан;

субъект томонидан ҳамма фойдаланиши мумкин қилиб қўйилган;

субъектларнинг фақат фамилиясини, исмини ва отасининг исмини ўз ичига олган;

субъектнинг мулкдор ва (ёки) оператор турган ҳудудга бир марталик кириши учун ёки бошқа шунга ўхшаш мақсадлар учун зарур бўлган;

автоматлаштирилган давлат ахборот тизимлари мақомига эга бўлган шахсга доир маълумотларнинг ахборот тизимларига киритилган;

автоматлаштириш воситаларидан фойдаланмаган ҳолда ишлов бериладиган;

меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлов бериладиган шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган шахсга доир маълумотлар базалари рўйхатдан ўтказилмайди.

6. Шахсга доир маълумотлар базасини Давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш, аввал киритилган маълумотларга ўзгартириш киритиш ҳамда Давлат реестридан чиқаришда тўловлар ундирилмайди.

2-боб. Давлат реестрини шакллантириш ва юритиш

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази (кейинги ўринларда Давлат персоналлаштириш маркази деб аталади) Давлат реестрини шакллантиради, юритади ва ундаги ахборотнинг яхлитлигини таъминлайди.

8. Давлат реестрини шакллантириш ва юритиш Давлат персоналлаштириш маркази томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда Давлат реестрини юритиш бўйича ахборот тизими воситасида олиб борилади.

9. Давлат реестрини юритиш ахборот тизимидан фойдаланиш, шу жумладан, ариза бериш учун тизимга кириш «Электрон ҳукумат» фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими (id.gov.uz) орқали амалга оширилади.

10. Давлат реестрини юритиш ахборот тизими воситасида қуйидаги хизматларни Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали кўрсатиш имконияти яратилади:

Шахсга доир маълумотлар базасини Давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш, аввал киритилган маълумотларга ўзгартириш киритиш ҳамда Давлат реестридан чиқариш бўйича ариза бериш;

Шахсга доир маълумотлар базасининг қайд рақами орқали унинг Давлат реестрида рўйхатдан ўтганлиги ҳолатини текшириш.

3-боб. Шахсга доир маълумотлар базасини Давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш тартиби

11. Шахсга доир маълумотлар базасини Давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

12. Мулкдор ва (ёки) оператор томонидан шахсга доир маълумотлар базасини Давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги ариза Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали Давлат реестрини юритиш ахборот тизими воситасида ушбу Низомга 2-иловада* келтирилган намунага мувофиқ шакллантирилади ва Давлат персоналлаштириш марказига юборилади.

Мулкдор ва (ёки) операторнинг хоҳишига кўра ариза қоғоз шаклида берилиши мумкин.

13. Мулкдор ва (ёки) оператор томонидан ариза шакллантирилиши босқичма-босқич амалга оширилади. Мулкдор ва (ёки) оператор аризани сўралаётган маълумотларни киритиш ва Давлат реестрини юритиш ахборот тизими томонидан умумий маълумотномадан таклиф этилаётган маълумотларни танлаш йўли билан шакллантиради.

14. Ариза таркибидаги давлат ахборот ресурсларида мавжуд бўлган маълумотлар, ариза берувчининг «Электрон ҳукумат» фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими (id.gov.uz)дан олинган ҳаққоний шахсий маълумотларини инобатга олган ҳолда Давлат реестрини юритиш ахборот тизими томонидан автоматик тарзда тўлдирилади.

15. Шахсга доир маълумотлар базасини Давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш ёки Давлат реестрида рўйхатдан ўтказишни рад этиш бўйича қарор Давлат персоналлаштириш маркази томонидан ариза берилган кундан бошлаб ўн беш кун мобайнида қабул қилинади.

16. Шахсга доир маълумотлар базасини Давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш бўйича қабул қилинган қарор асосида Давлат персоналлаштириш маркази масъул ходими Шахсга доир маълумотлар базасини Давлат реестрида такрорланмайдиган қайд рақами билан рўйхатдан ўтказади.

17. Шахсга доир маълумотлар базаси Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилган сана шахсга доир маълумотлар базаси Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган сана ҳисобланади.

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

18. Шахсга доир маълумотлар базаси Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома Давлат реестрини юритиш ахборот тизими воситасида ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ шакллантирилади ҳамда ушбу гувоҳнома Давлат персоналлаштириш маркази томонидан мулкдор ва (ёки) операторнинг электрон почта манзилига юборилади.

Давлат персоналлаштириш маркази томонидан гувоҳноманинг электрон нусхасини мулкдор ва (ёки) операторнинг Давлат реестрини юритиш ахборот тизимидаги «шахсий кабинети» орқали юклаб олиш имконияти яратилади.

19. Давлат персоналлаштириш маркази мулкдор ва (ёки) оператордан шахсга доир маълумотлар базасини Давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги аризада кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлигини таъминлаш мақсадида қўшимча маълумотларни сўраб олиши мумкин.

20. Ушбу Низомда назарда тутилган маълумотларнинг тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги шахсга доир маълумотлар базасини Давлат реестрида рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асос бўлади.

21. Давлат персоналлаштириш маркази шахсга доир маълумотлар базасининг Давлат реестри рўйхатидан ўтказишни рад этиш бўйича қабул қилинган қарорни Давлат реестрини юритиш ахборот тизими воситасида мулкдор ва (ёки) операторнинг электрон почта манзилига ёки яшаш манзилига (ариза қоғоз шаклида берилганда) юборади.

22. Шахсга доир маълумотлар базасини Давлат реестри рўйхатидан ўтказишни рад этиш рад этиш асослари бартараф этилиши шарти билан ушбу маълумотлар базасини Давлат реестри рўйхатидан ўтказиш учун қайтадан ариза топширишга тўсиқ бўла олмайди.

4-боб. Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базаси бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

23. Шахсга доир маълумотлар базасини Давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш маълумотларида ўзгартириш ва қўшимчалар юзага келган тақдирда, мулкдор ва (ёки) оператор томонидан Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали Давлат реестрини юритиш ахборот тизими воситасида электрон кўринишдаги хабарномани ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар юзага келган санадан бошлаб ўн кун мобайнида юборилиши шарт.

24. Давлат персоналлаштириш маркази мулкдор ва (ёки) оператор томонидан юборилган хабарномага мувофиқ Давлат реестрида аввал киритилган маълумотларга хабарнома тушган кундан бошлаб беш кун мобайнида тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритади.

25. Давлат реестрига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш шахсга доир маълумотлар базасининг Давлат реестридаги қайд рақамини ўзгартирмаган ҳолда амалга оширилади.

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5-боб. Шахсга доир маълумотлар базасини Давлат реестридан чиқариш тартиби

26. Шахсга доир маълумотлар базасини Давлат реестридан чиқариш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

шахсга доир маълумотлар базасини Давлат реестридан чиқариш бўйича мулкдор ва (ёки) операторнинг аризасига асосан;

мулкдор ва (ёки) операторнинг фаолияти тугатилганда ёки тўхтатилганда;

аризада кўрсатилган шахсга доир маълумотларга ишлов бериш ёки тугатиш муддати келганда;

суднинг мулкдор ва (ёки) операторнинг шахсга доир маълумотларга ишлов беришни тўхтатиш тўғрисидаги қарори асосида.

27. Мулкдор ва (ёки) оператор томонидан шахсга доир маълумотларга ишлов бериш тугатилганда, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали Давлат реестрини юритиш ахборот тизими воситасида Давлат персоналлаштириш марказига электрон кўринишдаги хабарнома шахсга доир маълумотларга ишлов бериш тўхтатилган санадан бошлаб ўн кун ичида юборилиши шарт.

28. Шахсга доир маълумотлар базаси Давлат реестридан чиқарилгандан сўнг кейинчалик унинг қайд рақами ишлатилмайди, аввал берилган шахсга доир маълумотлар базаси Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома ҳақиқий ҳисобланмайди.

6-боб. Якунловчи қоидалар

29. Давлат реестри маълумотлари юридик ва жисмоний шахсларнинг улар билан танишиши учун очиқ ҳисобланади.

Мулкдор ва (ёки) операторнинг шахсга доир маълумотлари базаси Давлат реестри рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотларни олиш ушбу маълумотлар базасининг қайд рақамини Давлат реестрини юритиш ахборот тизимига киритиш орқали автоматик тарзда амалга оширилади.

30. Ариза берувчилар шахсга доир маълумотлар базасини Давлат реестрида рўйхатдан ўтказишда Давлат персоналлаштириш марказига тақдим этилган маълумотларнинг нотўғри ёки ноаниқ кўрсатилганлиги учун жавобгар бўладилар.

31. Давлат персоналлаштириш марказининг шахсга доир маълумотлар базасини Давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан қонунчиликда белгиланган тартибда мулкдор ва (ёки) оператор томонидан юқори турувчи давлат органи ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

32. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

64 Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида талабгорларга фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини беришни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 11 июлдаги ПҚ–4391-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан инновацион ҳусусиятга эга тадқиқотларни янада ривожлантириш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, илмий натижаларни амалиётга тезкор жорий этишнинг самарали механизмларини йўлга қўйиш, ёшларнинг илмий фаолиятга қизиқишларини ошириш ва рағбатлантириш ҳамда илмий фаолият нуфузини кўтариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2020 йилнинг 1 мартидан эътиборан Ўзбекистон миллий университети базасида бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида диссертация ҳимоясини ташкил этиш ва илмий даражаларни талабгорларга мустақил бериш амалиёти тажриба тариқасида уч йил муддатга жорий этилсин.

2. Қуйидагилар:

Бинар (иккиталик) диссертация ҳимояси тизими асосида фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосидаги фан доктори (DSc) дипломининг давлат намунаси 2-иловага** мувофиқ;

Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосидаги фалсафа доктори (PhD) дипломининг давлат намунаси 3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

Ўзбекистон миллий университети тажриба давомида бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида диссертация ҳимоясини ташкил этади ҳамда илмий даражаларни талабгорларга мустақил беради;

бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосидаги диссертациялар ҳимояси мониторингини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси зиммасига юкланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2023 йилнинг 1 мартига кадар бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида илмий даражалар бериш тажрибасини эътиборга олган ҳолда мазкур тизимни янада такомил-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 февралда эълон қилинган.

** 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лаштириш ҳамда тўлиқ жорий этиш юзасидан асослантирилган таклифлар ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раиси А.Т. Юсупов, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибиятига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 10 февраль,
74-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 10 февралдаги 74-сон қарорига
1-ИЛОВА

Бинар (иккиталик) диссертация ҳимояси тизими асосида фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур низом бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида илмий ишланма яратган фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглаштирилган илмий даражага (кейинги ўринларда фалсафа доктори (PhD) деб аталади) эга талабгорга фан доктори (DSc) ва илмий натижаларни амалиётга татбиқ этган талабгорга фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосидаги диссертация ҳимояси — муайян фан тармоғи бўйича тегишли мавзу юзасидан битта диссертация доирасида инновацион хусусиятга эга бўлган илмий янгиликлар олинган ва уларнинг амалиётга жорий этилиши салмоқли самара берган фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга талабгорга фан доктори (DSc) ва илмий натижаларни амалиётга татбиқ этган талабгорга фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини бериш амалиёти;

бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида тайёрланган дис-

сертация — ўрнатилган тартибда диссертация мавзуси тасдиқланиб, назарий тадқиқотлар ва илмий натижаларини амалиётга жорий қилиш жараёни икки нафар изланувчи томонидан ҳамкорликда ташкил этилган, тадқиқотнинг мазмун-моҳияти белгиланган талабларга жавоб берган, тугалланган ва мазмунан яхлит илмий иш сифатида назарий илмий янгиликлари тизимли равишда асосланган (фан доктори (DSc) учун) ва инновацион илмий янгиликлари амалиётга мақсадли жорий этилган (фалсафа доктори (PhD) учун) қўлёзма ҳуқуқига эга бўлган илмий асар.

3. Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида диссертация тайёрлаш, уни ҳимоя қилиш ва талабгорларни тегишли равишда фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларида тасдиқлаш олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

4. Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида тайёрланган диссертация қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

муайян фан турмоғи бўйича битта диссертация икки нафар, жумладан фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга талабгор ва илмий даражага эга бўлмаган шахс томонидан тайёрланиши;

тадқиқотнинг илмий натижалари бўйича ихтирога патентлар ёки селекция ютуқлари олиниб, уларнинг амалиётга жорий этилиши ва салмоқли самара олиниши;

илмий натижалар амалиётга жорий қилинган ташкилот томонидан фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига талабгорнинг илмий натижаларни амалиётга жорий этишдаги алоҳида хизматлари ва жорий этишдан олинган (кутилаётган) салмоқли самараси юзасидан хулоса (далолатнома) берилган бўлиши.

5. Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида илмий даражаларга талабгорлар олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказишга оид норматив-ҳужжатларда тегишли равишда фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражалари бўйича белгиланган тегишли талабларни бажарган бўлиши шарт.

6. Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида тайёрланган диссертация юзасидан олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасаси семинари, шунингдек, ҳимояси натижасига кўра талабгорларга тегишли равишда фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини бериш (бермаслик) тўғрисида ягона қарор қабул қилинади ва мазкур қарор талабгорларга нисбатан тенг қўлланилади.

7. Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида диссертация ҳимоясини ташкил этиш ва илмий даражаларни мустақил ҳолда талабгорларга бериш ваколати Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетига (кейинги ўринларда Университет деб аталади) берилади.

2-боб. Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида диссертация ҳимоясини ташкил этиш

8. Изланувчилар тадқиқот олиб бораётган олий таълим ёки илмий-тад-

қиқот муассасаси (кейинги ўринларда муассаса деб аталади) кенгашида диссертация мавзуси ва илмий маслаҳатчиси тасдиқланади.

Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида фан доктори (PhD) илмий даражасига талабгор ўз диссертациясининг илмий натижаларини амалиётга татбиқ этадиган фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш бўйича изланувчига илмий раҳбар бўлиши мумкин.

9. Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида тайёрланадиган диссертация бўйича илмий натижаларни амалиётга татбиқ этиб, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун талабгорлар олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг мустақил изланувчилик институтига қабул қилинади. Ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда илмий иш бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида ташкил этилаётганлиги ҳам кўрсатилади.

Бинар (иккиталик) ҳимоя тизимида тадқиқотчиларнинг шахсий режа ва назарий-методологик дастур ҳар иккала тадқиқотчи учун алоҳида ишлаб чиқилади, белгиланган тартибда тасдиқланади ҳамда мониторинг қилинади.

10. Диссертация мавзуси ва илмий маслаҳатчиси тасдиқланганидан сўнг Университет кенгашига диссертация мавзусини, изланувчиларни ва илмий маслаҳатчини рўйхатга олиш учун йўлланма хат билан мурожаат қилади.

11. Муассаса тақдим этган ҳужжатлар Университет кенгашида муҳокама қилиниб, диссертация мавзуси, изланувчилар ва илмий маслаҳатчи рўйхатга олинади.

12. Диссертация якунланганидан кейин иш бажарилган муассаса олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ Университет ҳузурида фаолият кўрсатаётган Илмий даражалар берувчи илмий кенгашга мурожаат этади. Мурожаатга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

диссертация ҳимоясини ташкил қилиш ҳақида мурожаат;

изланувчилар тўғрисидаги объектив-маълумотномалар;

изланувчиларнинг олий таълим муассасасини битирганлиги тўғрисидаги дипломлари нусхаси;

фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси дипломининг нусхаси (фан доктори (PhD) илмий даражасига талабгор учун);

ихтисослик бўйича малакавий имтиҳонни топширганлиги ҳақидаги гувоҳнома (фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига талабгор учун);

диссертация бажарилган муассасанинг хулосаси;

диссертация муҳокама қилинган ташкилотлар хулосалари (агар мавжуд бўлса);

изланувчиларнинг диссертация бажарилган муассаса томонидан тасдиқланган илмий ишлари рўйхати, асосий илмий ишлари нусхалари;

илмий маслаҳатчининг тақризи;

фан доктори (PhD) илмий даражасига талабгор учун фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси диссертацияси автореферати;

илмий натижалар амалиётга жорий қилинган ташкилот томонидан фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига талабгорнинг илмий натижаларни

амалиётга жорий этишдаги алоҳида хизматлари ва жорий этишдан олинган (кутилаётган) салмоқли самараси юзасидан хулосаси ва далолатномалари;

диссертация ва диссертация автореферати. Бунда диссертация ва диссертация автореферати фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотига қўйилган талабларга мувофиқ расмийлаштирилади.

Агарда Университетда диссертация ихтисослиги бўйича Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш бўлмаса, у ҳолда диссертация бажарилган муассасанинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясига (кейинги ўринларда ОАК деб аталади) мурожаати асосида ОАК ва Университет кенгашининг қўшма қарори билан бир марталик Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тузилади ва диссертация ҳимояси белгиланган тартибда ташкил этилади.

13. Диссертациянинг ҳимояси асосида Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш талабгорларни тегишли илмий даражаларда тасдиқлаш бўйича қарор қабул қилади ва қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида аттестация ишини Университет кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этади.

14. Университет кенгашида Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси мазкур аттестация иши бўйича ахборот беради.

Университет кенгаши мажлисида илмий натижалар жорий қилинган ташкилот раҳбари (раҳбар ўринбосари) ва вакиллари иштирок этиши шарт.

Университет кенгашига эксперт сифатида бошқа ташкилотларда фаолият олиб бораётган илмий даражага эга бўлган мутахассислар жалб этилиши ва унинг мажлисида бошқа шахслар ҳам иштирок этиши мумкин.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раисининг диссертация бўйича ахбороти муҳокамаси натижасига кўра Университет кенгашининг қарори билан талабгорларга тегишли равишда илмий даражалар бериш Илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг қарори тасдиқланади.

15. Университет кенгаши қарори билан бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосидаги фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларида тасдиқланганларга давлат намунасидаги дипломлар уч иш куни ичида расмийлаштирилади.

Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосидаги фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражалари тўғрисидаги дипломлар Университет ректори ва Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси томонидан имзоланади.

16. Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш белгиланган тартибда илмий даражалари тасдиқланган талабгорларнинг аттестация ишини электрон ҳужжат айланиш тизими орқали ОАКга мониторинг қилиш ва сақлов учун тақдим этади.

17. Университет ҳар йил якуни бўйича 10 январь кунига қадар илмий даражалари тасдиқланган талабгорларнинг диссертация ҳимоялари ва уларнинг натижалари юзасидан ОАКга маълумотнома киритади.

Аттестация ишларининг мониторинги натижалари ОАК Раёсатида кўриб чиқилиб, уларнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қанчалик мувофиқлиги юзасидан тегишли карор қабул қилинади.

Аттестация ишларининг мониторинги натижалари бўйича ОАК Раёсати томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган асос ва тартибда илмий даражадан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор қабул қилиниши мумкин.

3-боб. Якунловчи қоидалар

18. Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида илмий даражаларда тасдиқланган шахслар олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

19. Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини олиш учун диссертация ҳимоясини ташкил этишдаги келишмовчиликлар қонун ҳужжатлари асосида ҳал этилади.

20. Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосидаги фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) дипломларини тайёрлаш, рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ҳисобини юритиш белгиланган тартибда ОАК томонидан ташкил этилади.

21. Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларида тасдиқланганлар тўғрисидаги маълумотлар, жумладан фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига талабгорнинг илмий натижаларни амалиётга жорий этишдаги алоҳида хизматлари ОАК деб-байти ва «ОАК Бюллетени» журналида эълон қилинади.

22. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

65 Товарлар (ишлар, хизматлар)ни импорт қилишда қўшилган қиймат солиғи тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддатини узайтириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 27 июндаги ПФ–5755-сон Фармонини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 27 июндаги ПФ–5755-сон Фармонига мувофиқ илгари берилган имтиёзларни бекор қилиш бўйича қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган хўжалик юритувчи субъектларга товарларни олиб киришда, шунингдек, ишлар (хизматлар)ни импорт қилишда қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёз ўрнига 120 кунгача бўлган муддатга қўшилган қиймат солиғи тўлашни кечиктириш механизмларидан фойдаланилиши белгилаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Товарлар (ишлар, хизматлар)ни импорт қилишда қўшилган қиймат солиғи тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддатини узайтириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар товарлар (ишлар, хизматлар)ни импорт қилишда қўшилган қиймат солиғи тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддатини узайтириш жараёнининг автоматлаштирилишини таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б. Азимов ва

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 11 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 10 февраль,
76-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 10 февралдаги 76-сон қарорига
ИЛОВА

Товарлар (ишлар, хизматлар)ни импорт қилишда қўшилган қиймат солиғи тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддатини узайтириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом товарлар (ишлар, хизматлар)ни импорт қилишда қўшилган қиймат солиғи (кейинги ўринларда ҚҚС деб аталади) тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддатини узайтириш (120 кун муддатгача) тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши давлат солиқ хизмати органларида ҚҚС тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга (кейинги ўринларда солиқ тўловчилар деб аталади) нисбатан татбиқ этилади.

3. Солиқ тўловчилар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси (кейинги ўринларда Йирик солиқ тўловчилар бўйича инспекция) ҳисобида турувчи солиқ тўловчиларнинг реестри Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

4. Товарларни импорт қилишда, солиқ тўловчиларга ҚҚС тўлаш муддатини узайтириш имконияти ушбу Низом талабларига риоя қилинган тақдирда давлат божхона хизмати органлари томонидан берилади.

5. Ўзбекистон Республикаси норезидентларидан ишлар (хизматлар)ни сотиб олишда ҚҚСни тўлаш бўйича мажбурият юзага келган тақдирда, ҚҚС тўлаш муддатини узайтириш имконияти ушбу Низом талабларига риоя қилинган ҳолда давлат солиқ хизмати органлари томонидан берилади.

6. Товарларни импорт қилишда ҚҚС суммаси божхона тўғрисидаги

қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси норезидентларидан ишлар (хизматлар)ни сотиб олишда эса — солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.

7. Товарлар (ишлар, хизматлар)ни импорт қилишда қўшилган қиймат солиғи тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддатини узайтириш ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Товарларни импорт қилишда тўлов муддатини узайтириш

8. Товарларни импорт қилишда солиқ тўловчиларга ҚҚС тўлов муддатини узайтириш имконияти давлат божхона хизмати органининг қарори билан берилади.

9. ҚҚСни тўлаш муддатининг узайтирилиши божхона декларацияси расмийлаштирилган кундан бошлаб 120 кундан ошмаслиги керак.

10. ҚҚСни тўлаш муддатини узайтириш имкониятига эга бўлиш учун солиқ тўловчи давлат божхона хизмати органига қуйидагиларни тақдим этади:

ҚҚС суммасини тўлаш бўйича ёзма мажбуриятни ўз ичига олган ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ ариза;

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 47-бобига мувофиқ ҚҚС тўланиши таъминланишини тасдиқловчи ҳужжат, Йирик солиқ тўловчилар бўйича инспекцияда ҳисобда турувчи солиқ тўловчилар бундан мустасно.

11. Давлат божхона хизмати органи томонидан ҚҚСни тўлаш муддатини узайтириш имкониятини бериш ёки уни рад этиш тўғрисидаги қарор ушбу Низомнинг 10-бандида белгиланган зарур ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида қабул қилинади.

Давлат божхона хизмати органининг қарорида ҚҚСни тўлаш муддатини узайтириш имконияти берилаётган муддат, узайтириш имконияти берилиши рад этилган тақдирда эса — бир иш куни ичида рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда қабул қилинган қарор тўғрисида солиқ тўловчини ёзма равишда хабардор қилади.

12. Қуйидагилар ҚҚС тўлов муддатини узайтириш имкониятини беришни рад этиш учун асос ҳисобланади:

ушбу Низомнинг 10-бандида белгиланган талабларга риоя қилмаслик;

ҚҚСни тўлаш бўйича олдин тақдим этилган узайтирилган тўлов муддатини бузиш ҳолатлари мавжудлиги.

13. ҚҚСни тўлаш муддатини узайтириш имкониятининг берилган ҳар бир куни учун тўланадиган ҚҚС суммасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган, қайта молиялаштириш ставкасининг бир кун учун қайта ҳисобланган фоизининг эллик фоизи миқдорида фоизлар ундирилади.

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бунда 120 кун ичида тўлов муддати узайтирилган ҚҚС суммаси тўланмаган тақдирда, ушбу бандга мувофиқ фоизлар ҳисобланиши тўхтатилади.

14. ҚҚСни тўлаш бўйича тақдим этилган узайтирилган тўлов муддати даврида ҚҚС тўлови солиқ тўловчи томонидан тўлов муддатини узайтириш имкониятининг охирги кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

Тўлов муддатини узайтириш имконияти берилган солиқ тўловчи томонидан ҚҚС суммаси ўз вақтида тўланмаган тақдирда, божхона органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҚҚС тўлови бўйича қарздорликнинг тўлиқ миқдорини ундириш чораларини кўрадилар.

15. Берилган тўлов муддатини узайтириш даврида ҚҚС суммасининг (ёки унинг бир қисмининг) тўланиши солиқ тўловчига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тўланадиган ҚҚСни ҳисоблашда ушбу суммани Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ҳисобга олиш ҳуқуқини беради.

Тўлов муддати узайтирилган даврда сумма қуйидагилар мавжуд бўлганда тўланган ҳисобланади ва божхона органи томонидан ҳисобдан чиқарилади:

товарлар амалда экспорт қилинганда;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан ҚҚСни тўлаш муддатини узайтириш имконияти берилган солиқ тўловчида товарлар экспорти муносабати билан ҚҚСнинг салбий қолдиғи мавжудлиги тўғрисида маълумотлар бўлганда.

16. Солиқ тўловчи томонидан тўлов муддати узайтирилган даврда ҚҚС суммаси ўз вақтида тўланмаган тақдирда, давлат божхона хизмати органлари тўлов муддати узайтирилган ҚҚС суммаси бўйича қарзларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириш чораларини кўрадилар.

3-боб. Ўзбекистон Республикаси норезидентларидан ишлар (хизматлар)ни сотиб олишда тўлов муддатини узайтириш

17. Солиқ тўловчи Ўзбекистон Республикаси норезидентларидан ишлар (хизматлар)ни сотиб олишда ҚҚСни тўлаш муддатини узайтириш учун давлат солиқ хизмати органига ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ шаклда ариза тақдим этади.

ҚҚСни тўлаш муддатини узайтириш имкониятини бериш тўғрисидаги аризага ҚҚС суммаси тўланиши таъминланишини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади. Йирик солиқ тўловчилар бўйича инспекцияда ҳисобда турувчи солиқ тўловчилар бундан мустасно.

Тўланиши таъминланганини тасдиқловчи ҳужжатларга ҚҚСни тўлаш бўйича мажбуриятлар суммасидан кам бўлмаган гаров билан таъминланган мол-мулк ва банк кафолати киради.

18. Давлат солиқ хизмати органи ушбу Низомнинг 17-бандида белгиланган зарур ҳужжатлар тақдим қилинган кундан бошлаб 5 иш куни мо-

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

байнида тўлов муддатини узайтириш имкониятини бериш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

19. Қуйидагилар ҚҚС тўлов муддатини узайтириш имкониятини беришни рад этиш учун асос ҳисобланади:

ушбу Низомнинг 17-бандида белгиланган талабларга риоя қилмаслик;

солиқ ва молиявий ҳисоботларни тақдим қилиш ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларининг ариза берилган санадан олдинги 12 ой мобайнида бузилганлиги.

20. Тўлов муддатини узайтириш имконияти беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи бир иш куни мобайнида солиқ тўловчини рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.

21. Норезидентлардан олинган ишлар (хизматлар) бўйича ҚҚСни тўлаш муддатини узайтириш имкониятини бериш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, солиқ тўловчи ҚҚС суммасини ушбу сумма ҳақиқатда тўланган ҳисобот давригача ҳисобга олишга ҳақли эмас.

Тўлов муддати узайтирилган сумма солиқ ҳисоботида алоҳида кўрсатилади.

22. Норезидентлардан олинган ишлар (хизматлар) бўйича ҚҚС ни тўлаш муддатини узайтириш имконияти 120 кун муддатгача берилади.

23. ҚҚСни тўлаш муддатини узайтириш имконияти берилган ҳар бир кун учун тўланадиган ҚҚС суммасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкасининг бир кун учун қайта ҳисобланган фоизининг эллик фоизи миқдорида фоизлар ундирилади.

Бунда 120 кун ичида тўлов муддати узайтирилган ҚҚС суммаси тўланмаган тақдирда, ушбу бандга мувофиқ фоизлар ҳисобланиши тўхтатилади.

24. ҚҚСни тўлаш бўйича тақдим этилган узайтирилган тўлов муддати даврида ҚҚС тўлови солиқ тўловчи томонидан муддатни узайтириш имконияти берилган охирги куни тугашидан кечиктирмай тўланади.

Тўлов муддатини узайтириш имконияти берилган солиқ тўловчи томонидан ҚҚС суммаси ўз вақтида тўланмаган тақдирда, солиқ хизмати органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҚҚС тўлови бўйича қарздорликнинг тўлиқ миқдорини ундириш чораларини кўрадилар.

4-боб. Якунловчи қоида

25. Солиқ тўловчилар ушбу Низом талабларига риоя қилиниши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

66 Хорижда бўлган (бўлиб турган) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг консуллик рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3218

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги ПФ–4262-сон «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ–4079-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Хорижда бўлган (бўлиб турган) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг консуллик рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири томонидан 1997 йил 15 майда тасдиқланган Чет элдаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларини рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 348, 1997 йил 4 июнь) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир **А. КАМИЛОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 30 декабрь,
46-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ташқи ишлар вазирининг 2019 йил 30 декабрдаги 46-сон буйруғига
ИЛОВА

Хорижда бўлган (бўлиб турган) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг консуллик рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ хорижда бўлган (бўлиб турган) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг консуллик рўйхатини юритиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти (бундан буён матнда биометрик паспорт деб юритилади) — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эгасининг шахсини ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқлайдиган, паспорт эгасининг шахсий биографик маълумотлари ва биометрик параметрлари сақланган электрон ахборот ташувчига (чипга) эга бўлган ҳужжат;

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти (бундан буён матнда хорижга чиқиш биометрик паспорти деб юритилади) — хорижга чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш, шунингдек, хорижда туриш вақтида эгасининг шахсини ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқлайдиган, паспорт эгасининг шахсий биографик маълумотлари ва биометрик параметрлари сақланган электрон ахборот ташувчига (чипга) эга бўлган ҳужжат;

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг нобиометрик намунадаги паспорти (бундан буён матнда нобиометрик паспорт деб юритилади) — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2019 йил 31 декабргача, хорижий давлат ҳудудида эса амал қилиш муддати тугагунга қадар эгасининг шахсини ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжат;

фуқаролиги бўлмаган шахснинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати (бундан буён матнда ҳаракатланиш ҳужжати деб юритилади) — Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахснинг хорижда шахсини тасдиқловчи, ҳаракатланиш ҳужжати эгасининг шахсий биографик маълумотлари ва биометрик параметрлари киритилган электрон ташувчи қурилма (чип)га эга бўлган ҳужжат;

консуллик округи — консуллик муассасасига консуллик вазифаларини бажариш учун бириктирилган бир ёки бир неча давлат ҳудуди;

консуллик муассасаси — Ўзбекистон Республикасининг чет давлатда таъсис этиладиган дипломатик ваколатхонасининг консуллик бўлими, Ўзбекистон Республикасининг бош консулхонаси, консулхонаси, вице-консуллиги ва консуллик агентлиги;

доимий консуллик рўйхати — хорижда доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикасидан белгиланган тартибда рўйхатдан чиқарилган ва хорижга доимий яшаш учун боришда рухсат бериш ёзуви стикери ёки манзилдан жўнаб кетиш варақаси асосида мамлакатдан чиққан (шу жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига 2017 йил 30 июнгача чиққан фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар), шунингдек қабул қилувчи давлат ҳудудидан чиқмаган ҳолда консуллик муассасаси орқали доимий яшаш учун хорижга чиқиш рухсатномасини расмийлаштирган, консуллик округи ҳудудида доимий яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни консуллик муассасасида қайддан ўтказиш;

вақтинча консуллик рўйхати — Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатдан ўтган ҳамда ўқиш, хизмат сафарида бўлиш, меҳнат фаолиятини амалга ошириш (ишчи виза, вақтинча рўйхатга олиш, яшаш учун рухсатнома ва меҳнат қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар — патент, меҳнат шартномаси ва шу кабилар асосида хорижий давлат ҳудудида қонуний бўлувчилар), тиббиёт муассаларида даволаниш ва оиласи билан бирлашиш мақсадларида хорижда олти ойдан ортиқ муддатда вақтинча бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни хориждаги Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасалари томонидан қайддан ўтказиш;

доимий яшашга қолдириш — хорижда қонуний равишда вақтинча бўлиб турган ва турган мамлакатидан чиқиб кетмаган ҳолда хорижий давлатда доимий яшаш учун қолишга қарор қилган Ўзбекистон Республикасининг (Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатга олинган) фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий консуллик рўйхатига олишда амалга ошириладиган консуллик ҳаракати;

рўйхатга олиш варақаси — Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан консулликнинг мансабдор шахси иштирокида консуллик муассасасида мазкур Йўриқноманинг 2 ва 3-иловаларига мувофиқ шаклда тўлдириладиган ҳужжат;

электрон рўйхатга олиш варақаси — Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан мазкур Йўриқноманинг 4 ва 5-иловаларига мувофиқ шаклда интерактив консуллик хизматлари «www.consulate.mfa.uz» веб-порталида (бундан буён матнда интерактив хизматлар веб-портали деб юритилади) тўлдириладиган штрих-кодли ҳужжат.

2. Хорижда доимий яшаётган ёки вақтинча бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар консуллик муассасаларида доимий ёки вақтинча консуллик рўйхатига олиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий ёки вақтинча консуллик рўйхатига олиш мазкур фуқаролар

турган консуллик округи ҳудудига тегишли бўлган консуллик муассасаси томонидан амалга оширилади.

3. Хорижда доимий яшовчи ёки вақтинча турувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни консуллик рўйхатига (доимий, вақтинча) қўйиш учун консуллик мансабдор шахси номига ариза бериш интерактив хизматлар веб-портали орқали масофадан туриб ҳам амалга оширилиши мумкин.

4. Консуллик муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий ёки вақтинча консуллик рўйхатига олиш:

консуллик муассасаларининг ўзида мазкур Йўриқноманинг 1 — 3-иловаларига* мувофиқ шаклда;

интерактив хизматлар веб-портали орқали мазкур Йўриқноманинг 4 ва 5-иловаларига* мувофиқ шаклда амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий консуллик ҳисобига олиш учун консуллик йиғимлари, мазкур консуллик ҳаракатини амалга оширилганлиги билан боғлиқ ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилади. 16 ёшга тўлмаган болаларга эса консуллик йиғимлари ундирилмаган ҳолда алоҳида рўйхатга олиш варақаси (электрон рўйхатга олиш варақаси) тўлдирилади.

6. 16 ёшга тўлмаган болаларнинг биометрик паспорти, нобиометрик паспорти, хорижга чиқиш биометрик паспорти ва ҳаракатланиш ҳужжати бўлмаганда, шунингдек ота-онасининг ёки улардан бирининг нобиометрик паспортига ёзилган ҳолда хорижга чиқиб кетган шахслар бўлганда ҳисобга олиш уларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси асосида амалга оширилади.

7. Доимий ёки вақтинча консуллик ҳисобига олингандан кейин ҳисоб маълумотларига ўзгартиришлар (фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш манзилини ўзгартириш ва шу кабилар) киритилганда рўйхатга олиш варақасига (электрон рўйхатга олиш варақасига) тегишли қайдлар ва қўшимчалар киритилади.

8. Хорижда доимий ва вақтинча яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг электрон рўйхатга олиш варақалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг (бундан буён матнда ТИВ деб юритилади) Ягона автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизими (бундан буён матнда ЯАҲТ деб юритилади) маълумотлар базасида сақланади.

2-боб. Хорижда доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни консуллик рўйхатига олиш

9. Хорижда доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва

* 1 — 5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

фуқаролиги бўлмаган шахслар консуллик муассасаси рўйхатига олиниш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

интерактив хизматлар веб-портали орқали мазкур Йўриқноманинг 4-иловасига мувофиқ шакл бўйича тўлдирилган электрон рўйхатга олиш варақаси (интерактив хизматлар веб-портали орқали электрон рўйхатга олиш варақасини тўлдиришнинг имкони бўлмаганда мазкур Йўриқноманинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ шакллар бўйича ариза ва рўйхатга олиш варақаси) тўлдирилади;

паспорт (биометрик, нобиометрик намунадаги), хорижга чиқиш биометрик паспорти ёки ҳаракатланиш ҳужжати (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

16 ёшга тўлмаган болаларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасининг (биометрик паспорт, нобиометрик паспорт, хорижга чиқиш биометрик паспорти ва ҳаракатланиш ҳужжати бўлмаганда) асли (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

ота-онасидан бирининг нобиометрик паспортидаги бола ҳақидаги маълумотлар киритилган саҳифаси нусхаси (бола ҳақидаги маълумотлар ота-онасидан бирининг нобиометрик паспортига киритилган ҳолда хорижга чиққан бўлса);

чиқиб кетиш варақасининг ёки ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари томонидан берилган фуқаронинг биометрик паспорти, нобиометрик паспорти ёки ҳаракатланиш ҳужжатига ёпиштирилган «Doimiy yashashga ketishga ruxsat berildi» ёзувли стикернинг нусхаси;

Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг хорижий давлат қонунчилиги талабларига мувофиқ (виза, яшаб туриш ҳужжати, вақтинча яшашга рухсатнома, паспортдаги тегишли қайдлар, маълумотномалар ва шу кабилар) бўлиб туришининг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжат;

3 х 4 см ўлчамдаги 1 дона фотосурат (электрон рўйхатга олиш варақасини тўлдиришнинг имкони бўлмаганда);

консуллик йиғими ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобига йиғимлар тўланган тўғрисида квитанция.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар консуллик рўйхатига қўйиш учун интерактив хизматлар веб-портали орқали мурожаат қилганда юқорида кўрсатилган ҳужжатларнинг «PDF» форматида сканер қилинган вариантини юборади.

10. Хорижга вақтинча яшаш учун чиқиб кетган ҳамда у ерда қонуний равишда яшаётган ва хорижда доимий яшашга қарор қилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар келгусида доимий консуллик рўйхатига қўйиш учун турган мамлакатидаги консуллик муассасасига мурожаат қилишлари мумкин.

11. Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс ўзи яшаб турган мамлакатда Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси бўлмаган тақдирда, мазкур мамлакат Ўзбекистон Республика-

сининг хориждаги қайси консуллик округига кирса ўша консуллик округининг консуллик муассасасига мурожаат қилади.

12. Мазкур Йўриқноманинг 9-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилган вақтнинг ўзида консуллик мансабдор шахси:

паспортга (биометрик, нобиометрик намунадаги), хорижга чиқиш биометрик паспортига ёки ҳаракатланиш ҳужжатига имзо қўяди, консуллик муассасасининг муҳрини босади ва консуллик рўйхатига олиш санасини кўрсатган ҳолда «(консуллик муассасасининг номи ва унинг жойлашган манзили)да доимий консуллик рўйхатга олинди» деган ёзувни қайд қилади;

ЯАҲТ маълумотлар базасига доимий консуллик рўйхатига олинганлик тўғрисидаги маълумотларни киритади;

интерактив хизматлар веб-портали орқали консуллик рўйхатига олинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг электрон почта манзилига доимий консуллик рўйхатига олинганлик тўғрисидаги тегишли хабарномани жўнатади.

3-боб. Хорижда вақтинча бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни консуллик рўйхатига олиш

13. Хорижга хизмат сафарига, ўқишга, даволанишга, ишга ва ўз оиласи билан бирлашиш учун чиқиб кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча консуллик рўйхатига олинадилар.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар борган мамлакатида қонуний тарзда яшаётган бўлса ва мамлакатга олти ойдан ортиқ муддатга борган бўлса вақтинча консуллик рўйхатига олинадилар.

14. Хорижга сайёҳ сифатида, шахсий ишлари ёки мазкур Йўриқноманинг 15-бандида назарда тутилганидан бошқа мақсадларда олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатга чиқиб кетган, шунингдек мамлакат орқали транзит ўтиб кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар консуллик муассасаларида консуллик рўйхатига олинмайди.

15. Вақтинча консуллик рўйхати 4 йилгача бўлган муддатга расмийлаштирилади.

Хусусан, хорижда бўлиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда вақтинча консуллик рўйхати қуйидаги муддатларга расмийлаштирилади:

хизмат сафари — хизмат сафари давомийлиги муддатига;

ўқиш — ўқиш муддатига;

даволаниш — тиббий хизматдан фойдаланиш ёки даво муолажалари муддатига;

ишлаш — меҳнат шартномаси муддатига;

ўз оиласи билан бирлашишга — 4 йилгача.

16. Хорижда вақтинча бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқа-

ролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар консуллик муассасаси рўйхатига олиниш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

интерактив хизматлар веб-портали орқали мазкур Йўриқноманинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича тўлдирилган рўйхатга олиш варақаси (интерактив хизматлар веб-портали орқали электрон рўйхатга олиш варақасини тўлдиришнинг имконияти бўлмаганда мазкур Йўриқноманинг 1 ва 3-иловаларига мувофиқ шакллар бўйича ариза ва рўйхатга олиш варақаси) тўлдирилади;

паспорт (биометрик, нобиометрик намунадаги), хорижга чиқиш биометрик паспорти ёки ҳаракатланиш ҳужжати (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

16 ёшга тўлмаган болаларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасининг (биометрик паспорт, нобиометрик паспорт, хорижга чиқиш биометрик паспорти ва ҳаракатланиш ҳужжати бўлмаганда) асли (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

ота-онасидан бирининг нобиометрик паспортидаги бола ҳақидаги маълумотлар киритилган саҳифаси нусхаси (бола ҳақидаги маълумотлар ота-онасидан бирининг нобиометрик паспортига киритилган ҳолда хорижга чиққан бўлса);

Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг хорижий давлат қонунчилиги талабларига мувофиқ (виза, яшаб туриш ҳужжати, вақтинча яшашга рухсатнома, паспортдаги тегишли қайдлар, маълумотномалар ва шу кабилар) бўлиб туришининг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжат;

3 x 4 см ўлчамдаги 1 дона фотосурат (электрон рўйхатга олиш варақасини тўлдиришнинг имкони бўлмаганда);

хорижга хизмат сафарига чиқиб кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун буйруқ ёки хизмат сафари гувоҳномасининг нусхаси;

хорижга ўқишга чиқиб кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун ўқиш жойидан маълумотнома ёки бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар;

хорижга даволанишга чиқиб кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун Ўзбекистон Республикаси ёки бўлиб турган мамлакат тиббиёт муассасаси томонидан берилган тиббий ҳужжатлар (тиббий маълумотнома, тиббий муассаса таклифномаси ва шу кабилар);

хорижга ишлашга чиқиб кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун иш жойидан маълумотнома ёки меҳнат шартномасидан нусха;

никоҳ тузилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг (оиласи билан бирлашиш мақсадида хорижга чиқиб кетган фуқаролар учун) ҳамда вояга етмаган болаларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари (биргаликдаги никоҳдан болалар бўлганда) нусхалари;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахс-

лар консуллик ҳисобига қўйиш учун интерактив консуллик хизматлар веб-портали орқали мурожаат қилганда юқорида кўрсатилган ҳужжатларнинг «PDF» форматида сканер қилинган нусхалари тизимга жойлаштирилади.

17. Мазкур Йўриқноманинг 16-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилган вақтнинг ўзида консуллик мансабдор шахси:

паспортга (биометрик, нобиометрик намунадаги), хорижга чиқиш биометрик паспортига ёки ҳаракатланиш ҳужжатига имзо қўяди, консуллик муассасасининг муҳрини босади ва консуллик рўйхатига олиш санасини кўрсатган ҳолда «(консуллик муассасасининг номи ва унинг жойлашган манзили)да 20 ___ йил «___» _____ дан 20 ___ йил «___» _____ гача вақтинчалик консуллик рўйхатига олинди» деган ёзувни қайд қилади;

ЯАҲТ маълумотлар базасига вақтинча консуллик рўйхатига олинганлик тўғрисидаги маълумотларни киритади;

интерактив хизматлар веб-портали орқали консуллик рўйхатига олинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг электрон почта манзилига вақтинча консуллик рўйхатига олинганлик тўғрисидаги тегишли хабарномани жўнатади.

Консуллик мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг бўлиб турган мамлакатида яшашни давом эттириш истаги бўлганда, вақтинча консуллик рўйхатига олиш муддатининг тугашидан бир ой олдин уни узайтириш учун мурожаат қилиш зарурлиги ҳақида, шунингдек вақтинча консуллик рўйхати муддати тугагунга қадар мурожаат қилинмаганда унинг консуллик ҳисобидан чиқарилиши ҳақида огоҳлантиради.

4-боб. Хорижда доимий ёки вақтинча бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни консуллик рўйхатидан чиқариш

18. Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар консуллик рўйхатидан чиқарилиши мумкин:

бошқа консуллик округига доимий яшашга чиқиб кетганда;

хорижда вақтинча бўлиб туриш муддати тугаганда;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиққанда (фуқароликни йўқотганда);

вафот этганда.

19. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий ёки вақтинча консуллик ҳисобидан чиқиш учун мазкур Йўриқноманинг 6-иловасига* мувофиқ шаклдаги ариза тўлдирадилар ҳамда шахсан ёки ишончли вакил орқали консуллик муассасасига мурожаат қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий ёки вақтинча консуллик ҳисобидан чиқиш учун шахсан келишининг имкони бўлмаганда, ариза консуллик муассасасига почта ёки элек-

* 6-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

трон почта манзили орқали консуллик мансабдор шахсини хабардор қилиш ва унинг келиб тушгани тасдиғини олиш шарти билан юборилиши мумкин.

20. Консуллик рўйхатидан чиқаришда консуллик мансабдор шахси томонидан аризачининг рўйхатга олиш варақасига (электрон рўйхатга олиш варақасига) тегишли ёзув киритилади ва унинг паспортига (биометрик, нобиометрик намунадаги), хорижга чиқиш биометрик паспортига ёки ҳаракатланиш ҳужжатига рўйхатдан чиқарилганлик тўғрисида штамп, консуллик муассасасининг гербли муҳри ва консуллик мансабдор шахсининг имзоси қўйилади.

Интерактив хизматлар веб-портали орқали консуллик рўйхатига олинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни консуллик рўйхатидан чиқариш тегишли хабарномани уларнинг электрон почта манзилига юбориш орқали электрон шаклда амалга оширилиши мумкин.

21. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий яшаш жойини, шунингдек, иш, ўқиш ёки хизмат сафари жойини олти ойдан ортиқ муддатга ўзгартирганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасига қарашли бошқа консуллик муассасасининг консуллик округи ҳудудига кўчиб ўтган тақдирда олдинги яшаш жойидаги консуллик рўйхатидан (доимий, вақтинчалик) чиқишлари ҳамда янги келган жойларида консуллик рўйхатига олинишлари лозим.

Агарда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар олдинги яшаш жойидаги консуллик рўйхатидан (доимий, вақтинчалик) чиқмасдан туриб бошқа консуллик округига кўчиб ўтганда консуллик мансабдор шахси уни мазкур Йўриқноманинг 6-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза асосида унинг паспортига (биометрик, нобиометрик намунадаги), хорижга чиқиш биометрик паспортига ёки ҳаракатланиш ҳужжатига рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги штампни (гербли муҳрдан фойдаланмай) қўйиш йўли билан уни консуллик рўйхатидан чиқаради ва шундан сўнг консуллик рўйхатига киритади.

22. Консуллик мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг консуллик рўйхатидан чиқарилгани тўғрисидаги хабарномани унинг олдинги яшаш жойидаги консуллик муассасасига мазкур консуллик ҳаракати амалга оширилган куни (консуллик муасасасининг электрон почтаси ёки бошқа техник алоқа воситалари орқали) юборади.

Агарда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг консуллик рўйхатига қўйилганининг ҳақиқийлигига шубҳа пайдо бўлганда консуллик мансабдор шахси у аввал рўйхатда турган консуллик муассасаси билан электрон почта ёки бошқа техник алоқа воситалари орқали боғланиб текшириши мумкин.

23. Консуллик рўйхатидан чиқариш ва унга киритиш тартиби бир давлат ҳудуди чегарасида бошқа консуллик муассасасининг консуллик округи ҳудудига кўчиб ўтаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам татбиқ этилади. Бундай ҳолатларда ари-

зачилардан консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмайди.

24. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиб турган ҳолларда улар консуллик рўйхатидан чиқиш учун ТИВнинг Консуллик-ҳуқуқий департаментига мурожаат қиладилар.

5-боб. Якуний қоидалар

25. Консуллик муассасаси ярим йил ва йил якунлари бўйича ТИВга мазкур Йўриқноманинг 7-иловасига* мувофиқ шакл бўйича доимий ва вақтинча консуллик ҳисобига олинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳақида маълумотлар тақдим этади.

26. Мазкур Йўриқнома талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

67 Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-19

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва 2019 йил 11 декабрдаги ЎРҚ–592-сон «Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сон қарори (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 18-сон, 229-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида очи-

* 7-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

** Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 февралда эълон қилинган.

ладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси **М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 28 декабрь,
33/6-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2019 йил
28 декабрдаги 33/6-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 7-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Банк ҳисобварағи шартномаси (жисмоний шахсларнинг омонати бўйича банк омонати шартномаси) банк ва унинг мижозлари ўртасида тузилган шартномага асосан ёзма шаклда ёки масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари орқали оферта шартномасини тасдиқлаш орқали амалга оширилади.»;

иккинчи — олтинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

олтинчи хатбошидаги «солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни» деган сўзлар «солиқлар ва йиғимларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 8-банддан бешинчи ва олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансин.

3. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Банк мижозлари бўлган юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда деҳқон хўжаликлари банк ҳисобварақларини очиш учун асос бўлган мазкур Йўриқномада белгиланган барча ҳужжатлар ҳамда ушбу ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар нусхалари ҳар бир мижоз учун очилган юридик йиғмажилдларда сақланади.

Юридик йиғмажилдлардаги маълумотлар электрон шаклда банкнинг махсус дастурий таъминотлари орқали ҳар бир мижоз бўйича шакллантирилиши мумкин.».

4. 16-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Фаолиятини Ўзбекистон Республикасида амалга оширувчи норе-

зидент юридик шахслар, товар-хом ашё биржасининг очиқ электрон савдоларида қатнашувчилар, ташкилий савдоларда акцияларни сотувчи (сотиб олувчи) чет эллик инвесторлар), шунингдек норезидентларнинг Ўзбекистон Республикасида қонунчилик билан белгиланган тартибда фаолият юритаётган доимий муассасалари миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим қиладилар:»;

«д» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«д) фаолиятини Ўзбекистон Республикасида амалга оширувчи норезидент юридик шахслар, товар-хом ашё биржасининг очиқ электрон савдоларида қатнашувчилар, ташкилий савдоларда акцияларни сотувчи (сотиб олувчи) чет эллик инвесторлар), шунингдек норезидентларнинг Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда фаолият юритаётган доимий муассасалари таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав) ҳамда уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг консуллик ёки нотариус томонидан тасдиқланган нусхаси;».

5. 17-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Резидент жисмоний шахслар банкнинг масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари орқали банк ҳисобварағи очишлари мумкин, бунда банк резидент жисмоний шахсларни идентификациялаш ва лозим даражада текшириш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли чораларни амалга ошириши лозим.

Банк бошқа банкда очилган банк ҳисобварақларига эга бўлган резидент жисмоний шахсларга масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари орқали депозит ҳисобварақларини очиш учун ушбу резидент жисмоний шахсларни идентификациялаш ва лозим даражада текшириш имкониятига эга бўлиши зарур.

Резидент жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат) электрон нусхада сақланиши мумкин.».

6. 21-бандда:

«в» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) фаолиятини Ўзбекистон Республикасида амалга оширувчи норезидент юридик шахслар, товар-хом ашё биржасининг очиқ электрон савдоларида қатнашувчилар, ташкилий савдоларда акцияларни сотувчи (сотиб олувчи) чет эллик инвесторлар), шунингдек норезидентларнинг Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда фаолият юритаётган доимий муассасалари (жисмоний шахслар бундан мустасно) томонидан ушбу Йўриқноманинг 16-бандида келтирилган ҳужжатлар;»;

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

7. 24-банд «ҳисобварағи очилади» деган сўзлардан кейин «, кредит масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари орқали расмийлаштириш ҳоллари бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

8. 39-бандниг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган резидент юридик шахслар ҳамда Бюджетдан маблағ олувчилар, резидент юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, фаолиятини Ўзбекистон Республикасида амалга оширувчи норезидент юридик шахслар, товар-хом ашё биржасининг очиқ электрон савдоларида қатнашувчилар, ташкилий савдоларда акцияларни сотувчи (сотиб олувчи) чет эллик инвесторлар), шунингдек норезидентларнинг Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фаолият юритаётган доимий муассасалари таъсис ҳужжатларида (таъсис шартномасида, уставда) кўрсатилган маълумотлар (муассислар, аъзолар ёки бошқа маълумотлар) ўзгарган тақдирда, улар таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нусхасини банкка тақдим қилади.».

9. 47-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ҳаракатсиз ҳолатга ўтказилган тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар давлат реестридан чиқарилган кундан эътиборан банк ҳисобварағи шартномаси бекор қилинади.».

10. 48-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«48. Ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини ёпиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан амалга оширилади.

Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларининг банк ҳисобварақларини ёпиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сон қарори билан тасдиқланган Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат реестридан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга асосан амалга оширилади.».

11. 49-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

68 Ўқувчиларни синфдан синфга ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2684-2

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 декабрдаги 1028-сон «Нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2015 йил 2 июндаги 13-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 2684, 2015 йил 17 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 24-сон, 319-модда) билан тасдиқланган Ўқувчиларни синфдан синфга ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 16^1-банд билан тўлдирилсин:

«16^1. Нодавлат умумтаълим ташкилотидан ўқишини давлат умумтаълим муассасасига кўчирган ўқувчиларнинг ота-оналари ўқишни давом эттириш учун танланган мактаб директорига таълим олувчилар сафидан чиқарилганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма, ўқиганлиги тўғрисида маълумотнома ҳамда таълим олувчининг баҳолар (ўзлаштириш) табелини тақдим этади.».

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир **Ш. ШЕРМАТОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 27 январь,
2-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 февралда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

69 Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3219

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 майдаги ПФ–5715-сон «Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси **М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 13 декабрь,
30/6-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
13 декабрдаги 30/6-сон қарорига
ИЛОВА

Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 майдаги ПФ–5715-сон «Ипотека креди-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 февралда эълон қилинган.

ти бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солинишини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти (бундан буён матнда ташкилот деб юритилади) — молиявий маблағларни жалб қилиш ва уларни ипотека кредитларини қайта молиялаштиришга йўналтириш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

қарздор-банк — ташкилот томонидан молиявий ресурсларни ажратиш йўли билан ипотека кредитлари қайта молиялаштирилган тижорат банки;

риск-аппетит — ташкилот стратегик мақсадларига ва бизнес-режа кўрсаткичларига эришишда ўзининг таваккалчиликларни бошқариш салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, қабул қилишга тайёр бўлган таваккалчиликларнинг энг юқори даражалари ва турлари;

регулятив капитал — ташкилотнинг фаолиятини тартибга солиш ва пруденциал нормативлар ҳисоб-китобини амалга ошириш мақсадида ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланадиган капитал;

левераж — ташкилот жами активларининг капитал билан таъминланганлик даражасини акс эттирувчи кўрсаткич.

2. Ташкилот ипотека кредитларини қайта молиялаштириш учун қарздор-банкка ва жисмоний шахсларга ажратилган ипотека кредитига мувофиқлик мезонларини (бундан буён матнда мувофиқлик мезонлари деб юритилади) белгилайди.

3. Ташкилот томонидан қарздор-банкка ажратиладиган кредитлар давлат қимматли қоғозлари, қарздор-банк томонидан жисмоний шахсларга ажратилган ипотека кредити (бундан буён матнда ипотека кредити деб юритилади) ва банк депозитлари билан таъминланиши мумкин.

4. Қарздор-банкка қуйидаги ҳолларда ташкилот томонидан кредит ресурслари ажратилмайди:

охирги ҳисобот санасига тузилган молиявий ҳисоботига салбий фикр билдирилган аудиторлик хулосаси тузилган бўлса;

кетма-кет охирги тўрт чоракда фаолиятини зарар билан якунлаган бўлса;

пруденциал нормативларга риоя этилмаган бўлса.

5. Ташкилот қарздор-банкнинг гаров таъминотини қайта молиялаштиришдан аввал баҳолаши, шунингдек қайта молиялаштирганидан сўнг ҳар чоракда камида бир марта қайта баҳолаши лозим.

6. Қайта молиялаштириш кредити таъминотига қабул қилинган ипотека кредити муддатидан олдин тўлиқ сўндирилса ёхуд 90 кундан ошган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса, ташкилот қарздор-банкдан бундай

таъминотни мувофиқлик мезонларига мос келувчи таъминотга алмаштириб берилишини талаб қилади. Таъминотга қабул қилинган ипотека кредити қисман сўндирилган ҳолларда кредитнинг сўндирилган қисмига тенг миқдордаги таъминот алмаштириб берилади.

Қарздор-банк таъминотни алмаштириб бериши ёки унга ажратилган ресурснинг мувофиқлик мезонларига мос келувчи таъминот билан таъминланмаган қисмини ташкилотга қайтариб бериши мумкин.

7. Ташкилот ўз фаолиятини қуйидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштиради:

ўз маблағлари;

маҳаллий ва халқаро капитал бозорларидан жалб этилган молиявий ресурслар;

молиявий ташкилотлар, шу жумладан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Ташкилотга жисмоний ва юридик шахслардан депозитлар (омонатлар) қабул қилиш ва жисмоний шахслардан қарз маблағларини жалб этиш тақиқланади.

9. Ташкилот ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестрига (бундан буён матнда реестр деб юритилади) киритилгандан кейин ипотека кредитларини қайта молиялаштиришни амалга оширишга ҳақли.

10. Ташкилот асосий ҳисобварағини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) очади.

11. Ташкилот бўш пул маблағларини қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозларини сотиб олишга;

Ўзбекистон Республикасидаги банкларга депозитга йўналтириши мумкин.

2-боб. Ташкилотни реестрга киритиш

1-§. Ташкилотнинг устав фонди

12. Ташкилот акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади ва устав фондининг энг кам миқдори 25,0 миллиард сўм этиб белгиланади.

13. Ташкилотнинг устав фонди Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида шакллантирилади ва муассисларининг пул маблағларидан ташкил топади.

14. Ташкилотнинг устав фондини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан, шунингдек мажбурият юклатилган бошқа маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

15. Ташкилот устав фондининг энг кам миқдори ташкилотни реестрга киритиш тўғрисидаги ариза Марказий банкка тақдим этилган кунга қадар тўлиқ шакллантирилган бўлиши керак.

2-§. Ташкилотнинг муассислари (акциядорлари)

16. Жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари (бундан буён матнда норезидентлар деб юритилади) ташкилот муассислари (акциядорлари) бўлиши мумкин.

17. Қуйидаги шахслар:

имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охирги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни ҳамда молиявий операцияларни ўтказишда ахборот тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатда ва ҳудудда яшайдиган норезидент бўлган жисмоний шахслар ҳамда шундай давлатда рўйхатга олинган юридик шахслар, акциядорлар (иштирокчилар), охирги бенефициар мулкдорлар;

ташкилот устав фондининг 10 ёки ундан ортиқ фоизини (улушини) сотиб олаётган (олган) шахслар иқтисодий жиноятлар ёки бошқарув тартибига қарши жиноятлар учун судланганликка эга бўлса;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳолатлар кўзда тутилмаган бўлса ташкилот муассислари (акциядорлари) бўла олмайди.

3-§. Ташкилотни реестрга киритиш ҳамда реестрга киритишни рад этиш

18. Ташкилотнинг номида «ипотекани қайта молиялаштириш» сўз бирикмаси кўрсатилиши керак.

19. Ташкилотни реестрга киритиш учун қуйидаги талаб ва шартлар бажарилиши лозим:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиши;

мазкур Низомнинг 12 — 15-бандларига мувофиқ устав капиталининг шакллантирилиши;

ташкилотнинг ижроия органи раҳбари ва бош бухгалтери ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи бошқа мансабдор шахс мазкур Низомда белгиланган малака талабларига мувофиқлиги.

20. Ташкилотни реестрга киритиш учун қуйидаги ҳужжатлар Марказий банкка тақдим этилади:

реестрга киритиш тўғрисида ариза;

давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

таъсис ҳужжатлари;

ташкилотнинг ижроия органи раҳбари ва бош бухгалтерини ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи бошқа мансабдор шахсни лавозимга тайинланганлиги тўғрисида қарор нусхаси ҳамда уларнинг малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи маълумотлар;

устав фонди (устав капитали)нинг 10 фоизидан ортиғига эга бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотлар;

кейинги 3 йилга мўлжалланган бизнес-режа;

кредит ва инвестиция сиёсати, таваккалчилик, активлар ва пассивларни бошқариш сиёсати;

ипотекани қайта молиялаштиришнинг бош шартнома намунаси.

Мазкур бандда назарда тутилган ҳужжатлар электрон шаклда тақдим этилиши мумкин.

21. Ташкилотни реестрга киритиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш бепул амалга оширилади.

22. Ташкилотни реестрга киритиш ёки рад этиш тўғрисидаги Марказий банкнинг қарори ушбу Низомнинг 20-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган кундан эътиборан 30 кундан ошмаган муддатда қабул қилинади.

23. Реестр ҳамда ташкилотнинг реестрга киритилганлиги тўғрисида маълумот Марказий банкнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

24. Ташкилот ўзининг уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни, шунингдек бошқарув органлари таркибидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни Марказий банкка тақдим этади.

25. Қуйидаги ҳолларда ташкилотни реестрга киритиш рад этилади:

ташкилот мазкур Низомнинг 17 — 19-бандларида назарда тутилган талабларга жавоб бермаса;

мазкур Низомнинг 20-бандида кўрсатилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлса;

ташкилотни ташкил этувчи норезидент юридик шахсни назорат қилувчи орган томонидан рад этиш тавсия қилинса.

Бошқа асосларга кўра ташкилотни реестрга киритишни рад этишга йўл қўйилмайди.

3-боб. Ташкилот филиалини ташкил этиш

26. Ташкилот Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ташкил этиши мумкин.

27. Филиални очиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда ташкилот 10 кунлик муддат ичида Марказий банкни бу ҳақида хабардор қилади ва тегишли бошқарув органининг қарори нусхасини тақдим этади.

4-боб. Ташкилотнинг раҳбарларига нисбатан мувофиқлик мезонлари

28. Ташкилотнинг раҳбарлари банк-молия тизимида бенуқсон ишчанлик обрўсига, таваккалчиликларнинг самарали бошқарилишини, ўз ваколатлари доирасида асосли қарорлар қабул қилинишини таъминлаш учун зарур бўлган тажрибага, билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

29. Ташкилотнинг ижроия органи раҳбари лавозимига тавсия этилаётган номзод олий иқтисодий маълумотга, банк-молия йўналишида 5 йилдан кам бўлмаган умумий иш тажрибасига, шу жумладан банк-молия тизимида раҳбар лавозимида 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши лозим.

Ташкилотнинг бош бухгалтери ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи бошқа мансабдор шахс лавозимига тавсия этилаётган номзод олий иқтисодий маълумотга эга ва бухгалтерия ҳисобини юритиш ёки молиявий ҳисоботни тузиш ёхуд аудиторлик фаолияти билан боғлиқ йўналишда камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши лозим.

30. Ташкилотнинг раҳбари банк-молия соҳасига оид қонун ҳужжатларини билиши керак.

31. Қуйидаги шахслар ташкилотнинг раҳбари бўла олмайди:

банкротликка учраган ёки молиявий аҳволи танг бўлган юридик шахс бошқаруви ва кузатув кенгаши аъзолари ёки йирик иштирокчиси (устав капиталида 10 фоиз ва ундан кўп миқдорда овоз берувчи акциялар ёхуд улушларга эга бўлган шахслар), шунингдек собиқ раҳбарлари, башарти юридик шахснинг банкротлиги ёки молиявий аҳволининг танглиги уларнинг ҳаракатлари оқибатида юзага келганлиги фактлари маълум бўлган;

суд қарори билан ушбу лавозимда ишлаш ҳуқуқи чекланган;

иқтисодиёт соҳасидаги жиноят учун ёки бошқарув тартибига қарши жиноят учун олиб ташланмаган судланганликка эга бўлган.

5-боб. Таваккалчиликларни бошқариш борасидаги минимал талаблар

32. Ташкилотнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган риск-аппетити доирасида ташкилотнинг таваккалчиликка мойиллигини чегаралаб туриши, ташкилот фаолиятининг барқарорлигини таъминлаши ҳамда унинг муассислари капитали қийматини сақлаб туриши учун таваккалчиликларни самарали аниқлаши ва бошқариши талаб этилади.

33. Ташкилотда таваккалчиликларни бошқариш сиёсати ишлаб чиқилиши ва у ликвидлилик, фоиз, кредит, операцион ҳамда бошқа таваккалчиликларни бошқаришни назарда тутиши лозим.

34. Ташкилотга фаолиятида (балансида) очиқ валюта позициясига эга бўлишга йўл қўйилмайди. Ташкилот хорижий валютада операцияларни амалга оширганда, баланснинг қарама-қарши томонида тенг миқдорда маблағлар (актив ёки мажбурият) бўлиши ёки валюта таваккалчилиги тўлиқлигича хеджирланиши лозим.

35. Ташкилотнинг кузатув кенгаши ташкилотни ривожлантириш стратегиясига мувофиқ келувчи риск-аппетити ва таваккалчиликларни бошқариш сиёсатини белгилайди, шунингдек таваккалчиликларни бошқариш устидан тегишли назоратни амалга оширади.

Кузатув кенгаши томонидан ташкил этилган таваккалчиликларни бошқариш қўмитаси таваккалчиликларни бошқариш бўйича самарали назоратни амалга ошириши ҳамда таваккалчиликларни бошқаришга оид сиёсатни ишлаб чиқиши лозим.

36. Ташкилотнинг ижроия органи кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган сиёсатларни амалга оширишга, шу жумладан ташкилотда таваккалчиликларни аниқлаш, ҳисоблаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва ҳисобот беришга қаратилган самарали ички назорат тизими мавжудлигини таъминлашга масъулдир.

37. Ташкилотда таваккалчиликларни бошқариш бўйича тегишли таркибий тузилма ташкил этилиши лозим. Мазкур тузилма кузатув кенгашига ҳисобдор бўлади.

38. Ташкилот инвестиция сиёсатида ликвидлиликни бошқариш бўйича тегишли назоратни белгилаши зарур, бунда инвестиция сиёсати қуйидагиларни қамраб олиши талаб этилади:

кузатув кенгаши, ижроия орган ҳамда ликвидлиликни ва таваккалчиликларни бошқариш қўмитасининг вазифа ва мажбуриятларини;

ликвидлилик таваккалчиликларини аниқлаш, ҳисоблаш, баҳолаш, назорат қилиш, бартараф этиш бўйича услублар ва улар ҳақида ҳисобот бериш тартибини;

ликвидлиликнинг стресс-тестлар асосида таҳлилини;

ликвидлиликни бошқариш режаларини.

39. Ташкилот фоиз ставкаларининг ўзгариши натижасида юзага келадиган таваккалчиликларни камайтириш мақсадида ўзининг қайта молиялаштирилган кредитлари ва уларнинг манбалари муддатлари ўртасидаги тафовутни имкон қадар мувофиқлаштириб бориши керак.

40. Ташкилот актив ва пассивларни бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиши ва у ўз ичига қуйидагиларни олиши керак:

кузатув кенгаши ва ижроия органининг актив ва пассивларни бошқаришга доир вазифа ва мажбуриятлари;

актив ва пассивларни бошқариш бўйича тегишли таркибий тузилмаларнинг вазифа ва мажбуриятлари;

фоиз таваккалчиликларини аниқлаш, ҳисоблаш, баҳолаш, назорат қилиш, бартараф этиш бўйича услублар ва улар ҳақида ҳисобот бериш тартиби.

41. Ташкилот ликвидлилик ва фоиз ставкалари бўйича номутаносибликлар лимитларини белгилайди.

42. Ташкилот кредит сиёсатини ишлаб чиқиши ва у ўз ичига қуйидагиларни олиши керак:

кузатув кенгаши, ижроия органи ҳамда кредит таваккалчиликларини бошқариш бўйича тегишли таркибий тузилмаларнинг вазифа ва мажбуриятлари;

кредит таваккалчиликларини аниқлаш, ҳисоблаш, баҳолаш, назорат қилиш, бартараф этиш бўйича самарали услублар ва улар ҳақида ҳисобот бериш тартиби;

мувофиқлик мезонлари;

қарздор-банкларга кредит лимитларини ўрнатиш тартиби;

ипотека кредитларини қайта молиялаштиришда талаб этиладиган ҳужжатлар;

гаровларни бошқариш;

қарздор-банкнинг тўлов мажбуриятларини бажара олмаслик ҳолатлари.

43. Кузатув кенгаши қарздор-банкка нисбатан кредит ажратишнинг энг кўп миқдорини белгилаши мумкин.

44. Таъминотни бошқариш мақсадида ташкилот таваккалчиликларни бошқариш сиёсатида:

кредитнинг гаровга нисбати бўйича минимал талаб;

мувофиқлик талабига жавоб берувчи таъминот турлари;

кредит таъминоти, муддатидан аввал ёки тўлиқ тўланган ва муддати ўтган қайта молиялаштирилган ипотека кредитлари бўйича қарздор-банк томонидан топшириладиган ҳисоботлар турлари ва муддатларига қўйиладиган талаблар;

муддатидан аввал тўланган, муддати ўтган қайта молиялаштирилган ипотека кредитлари юзага келганда таъминотни ўзгартириш шартлари белгиланади ва ўрнатилади.

45. Агар таъминот қиймати кредит сиёсатида ўрнатилган кредитнинг гаровга нисбати бўйича минимал талабдан кам бўлса, ташкилот қарздор-банкдан мувофиқлик талабларига жавоб берувчи қўшимча таъминотни талаб қилади.

46. Қайта молиялаштирилган ипотека кредитларининг фоиз ставкалари ва ўртача сўндириш муддатлари қайта молиялаштириш кредитларининг ўртача фоиз ставкаси ва муддатларидан кам бўлмаслиги керак.

47. Ташкилот қайта молиялаштирилган кредитлар ҳолати юзасидан доимий мониторинг ўтказади.

6-боб. Ташкилотда активлар сифатини таснифлаш ва улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш

48. Ташкилотнинг активлари (банкларга ажратилган ресурслар, банкларга жойлаштирилган депозитлар) сифатига кўра «стандарт», «субстандарт», «қониқарсиз», «шубҳали» ва «умидсиз» тоифаларга таснифланади.

49. Ташкилотнинг банкларга жойлаштирган активлари сифати қуйидагича таснифланади:

асосий қарз ва (ёки) фоизлар ўз муддатида қайтарилишига шубҳа туғдирмайдиган активлар — «стандарт»;

асосий қарз ва (ёки) фоизларни қайтариш муддати 10 кунгача кечиктирилганда — «қониқарсиз»;

асосий қарз ва (ёки) фоизларни қайтариш муддати 11 кундан 30 кунгача кечиктирилганда — «шубҳали»;

асосий қарз ва (ёки) фоизларни қайтариш муддати 31 ва ундан ортиқ кунга кечиктирилганда, шунингдек актив жойлаштирилган банкнинг лицензияси чақириб олинган ёки бошқа тартибда уни тугатиш ишлари бошланганда — «умидсиз».

Бунда, ташкилот томонидан актив жойлаштирилган банкларнинг молиявий кўрсаткичлари ҳамда Марказий банк томонидан ўрнатилган пруденциал нормативларнинг бажарилиши мунтазам ўрганиб борилади.

50. Қайта молиялаштириш кредити таъминотига қабул қилинган ипотека кредити бўйича 90 кундан ошган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса, бундай активлар сифати «субстандарт» деб таснифланади.

51. Ташкилотнинг активлари сифатига кўра:

«субстандарт» деб таснифланганда — 10 фоиз;

«қониқарсиз» деб таснифланганда — 25 фоиз;

«шубҳали» деб таснифланганда — 50 фоиз;

«умидсиз» деб таснифланганда — 100 фоиз миқдорда эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захира шакллантирилади.

52. Активларнинг қуйида келтирилган асосий шартларидан ҳеч бўлмаганда биттаси ўзгартирилган бўлса, улар шартлари қайта кўриб чиқилган активлар деб ҳисобланади:

фоиз ставкасининг пасайтирилиши, бундан Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси пасайиши муносабати билан фоиз ставкасининг пасайтирилиши ҳолатлари мустасно;

асосий қарзнинг камайтирилиши ёки ундан қисман воз кечилиши;

фоизлар ва (ёки) асосий қарзга доир тўловларнинг бир қисми ёки барчасидан воз кечилиши;

активнинг асосий ва (ёки) фоизларининг тўлаш муддати кечиктирилиши ёки узайтирилиши.

Ташкилотнинг шартлари қайта кўриб чиқилган активлар сифатини таснифлаш тоифаси шартлари қайта кўриб чиқилишидан олдинги тоифасидан бир поғонага паст бўлади.

53. Ташкилот активлар сифатини таснифлаши ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида шакллантириши мумкин.

7-боб. Ички назоратга қўйилган минимал талаблар

54. Кузатув кенгаши ўз мажбуриятларини бажаришда унга кўмаклашувчи қўмиталар, хусусан аудит, таваккалчиликни бошқариш, бошқарув ва ходимлар билан ишлаш ҳамда бошқа масалалар бўйича қўмиталарни ташкил этади.

55. Кузатув кенгаши ўз вазифаларини бажаришда:

ташкилотда самарали ва эҳтиёткорлик билан бошқаришни таъминловчи, жумладан унинг аъзолари ўртасида масъулиятнинг тақсимланишини ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича бошқарув тузилмасини жорий этиши;

ташкилот бошқарувига оид қарорлар қабул қилишда назорат ва текшируv функцияларини бажариш ва тўлиқлигича ташкилот фаолияти ва молиявий барқарорлигини таъминлаши лозим.

56. Ташкилотнинг ижроия органи ва филиаллари ўз фаолиятида қонун ҳужжатларига, ташкилотнинг устави ва сиёсатларига риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек ташкилотни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш мақсадида ташкилотда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ташкилотнинг ички аудит хизмати аудит қўмитасига ҳисобдордир.

57. Ижроия орган ташкилотнинг молиявий ҳолати, Марказий банк томонидан ўрнатилган пруденциал нормативларнинг бажарилиши, ташкилотни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар, шунингдек ички назоратни амалга оширишда аниқланган камчиликлар тўғрисида кузатув кенгашига ҳар чоракда ҳисоботлар тақдим этади.

58. Йил давомида заруратга кўра барча сиёсатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Барча сиёсатлар уларнинг изчиллиги ва мувофиқлигини таъминлаш мақсадида камида ҳар 3 йилда бир марта қайта кўриб чиқилади.

59. Ташкилотда корпоратив бошқарув акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

8-боб. Ташкилотда бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва аудит

60. Ташкилотнинг йиллик молиявий ҳисоботлари Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида тузилиши ҳамда ташқи аудит текширувидан ўтказилиши лозим.

61. Ташкилотнинг аудиторлик текширувидан ўтказилган йиллик молиявий ҳисоботи, аудиторлик хулосаси ва аудиторлик текшируви натижаси бўйича ташкилот раҳбариятига берилган тавсиялар молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ташкилот томонидан Марказий банкка тақдим этилади.

62. Ташкилот ҳар йилги молиявий ҳисоботини молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай матбуотда ва ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилади.

63. Ташкилот Марказий банкка ҳар ойда назоратга оид ва молиявий ҳисоботларни тақдим этади.

9-боб. Пруденциал талаблар

1-§. Капиталнинг монандлик коэффициентлари

64. Ташкилот левераж коэффициенти ҳамда регулятив капиталнинг жами таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларга нисбати сифатида аниқланадиган капитал монандлилиги коэффициентига риоя этади.

65. Ташкилот левераж коэффициентининг энг кичик даражаси 3 фоиздан, регулятив капиталнинг монандлик коэффициенти эса 10 фоиздан кам бўлмаслиги лозим лозим.

66. Ташкилот капиталнинг монандлик коэффициентлари ҳисоб-китобини ҳар ойда Марказий банкка тақдим этиб боради.

2-§. Ликвидлилик коэффициентлари

67. Ташкилот мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида ликвидлиликни қоплаш коэффициенти ва соф барқарор молиялаштириш коэффициенти меъёрларига риоя қилиши лозим.

68. Ликвидлиликни қоплаш коэффициенти юқори ликвидли активларнинг кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиқимга нисбати сифатида аниқланади. Бунда юқори ликвидли активларга қуйидагилар киради:

нақд пул;

Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари;

ташкилотнинг Марказий банкда очилган ҳисобварақларидаги маблағлари.

69. Кейинги 30 кун ичидаги кирим кейинги 30 кундаги чиқимнинг 75 фоизидан ошган тақдирда, кирим сифатида чиқимнинг 75 фоизи олинади.

70. Ликвидлиликни қоплаш коэффициенти 100 фоизлик меъёрдан кам бўлмаслиги лозим.

71. Соф барқарор молиялаштириш коэффициенти барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммасини барқарор молиялаштиришнинг зарур суммасига нисбати сифатида аниқланади.

72. Соф барқарор молиялаштириш коэффициенти 100 фоизлик меъёрдан кам бўлмаслиги лозим.

73. Ташкилот ликвидлилик коэффициентлари ҳисоб-китобини ҳар ойда Марказий банкка тақдим этиб боради.

3-§. Бир қарз олувчи учун таваккалчилик даражаси

74. Ташкилотнинг бир қарз олувчи учун таваккалчиликнинг энг юқори миқдори унинг жами активининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

75. Ташкилот бир қарз олувчи учун таваккалчиликнинг энг юқори миқдори ҳисоб-китобини ҳар ойда Марказий банкка тақдим этиб боради.

10-боб. Ташкилотни қайта ташкил этиш ва тугатиш

76. Ташкилотни қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Банкротлик тўғрисида»ги қонунлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

77. Ташкилот Марказий банк у тўғрисидаги маълумотларни реестрдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган кундан бошлаб, 30 кун ичида ўз номидан «ипотекани қайта молиялаштириш» сўз бирикмасини чиқариш орқали қайта рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилини амалга ошириши ёки қайта ташкил этиш ёхуд тугатиш ҳақида қарор қабул қилиши лозим.

11-боб. Якуний қоида

78. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

70 «Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2784-1

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 14 апрелдаги 01-02/15-23-сон «Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2784, 2016 йил 10 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 февралда эълон қилинган.

ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 19-сон, 215-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Раис **М. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 26 декабрь,
01-02/15-72-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

71 Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3220

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Раис **М. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 26 декабрь,
01-02/15-71-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил
26 декабрдаги 01-02/15-71-сон қарорига
ИЛОВА

Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ божхона юк декларациясини (бундан буён матнда БЮД деб юритилади) ўзгартириш, қўшимча киритиш, қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ҳамда бекор қилиш тартибини белгилайди.

I бўлим. Электрон шаклдаги БЮДни ўзгартириш, қўшимча киритиш, қайтариб олиш ва бекор қилиш

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза — ваколатли шахснинг БЮДга ўзгартириш, қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ёки бекор қилиш бўйича ёзма ёки электрон шаклдаги мурожаати;

божхона органи — БЮДни расмийлаштириш, қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш, бекор қилиш, унга ўзгартириш, қўшимча киритиш бўйича келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш ва тегишли ҳаракатларни амалга оширишга ваколатли бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (бундан буён матнда ДБҚ деб юритилади), ДБҚнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўйича бошқармалари, «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси ва божхона постлари;

божхона қиймати декларацияси (бундан буён матнда БҚД деб юритилади) — БЮДнинг ажралмас қисми бўлиб, товарнинг божхона қиймати тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва декларацияловчи шахс томонидан божхона органига БЮД билан бир пайтда топшириладиган ҳужжат;

БЮДни тузатиш шакли (бундан буён матнда БДТ) — ДБҚ томонидан белгиланган формат ва тузилишга мувофиқ тайёрланган БЮД ҳамда БҚДдаги маълумотларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш ҳақидаги электрон ҳужжат;

БЮДдаги хато — божхона расмийлаштируви учун тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборот ва (ёки) божхона органларида мавжуд ахборот билан БЮД ва (ёки) БҚДдаги маълумотлар орасидаги тафовут, шунингдек БЮД ёки БҚД графаларидаги нотўғри маълумотлар;

БЮДдаги камчилик — божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган маълумотларнинг етишмаслиги ёки БЮД билан бирга тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаслиги билан боғлиқ ҳолатлар;

БЮДга ўзгартириш киритиш — БЮД ва (ёки) БҚДдаги маълумотларга ўзгартиришлар киритиш;

БЮДга қўшимча киритиш — БЮД ва (ёки) БҚДга янги маълумотларни киритиш ёхуд тегишли ҳужжатларни қўшиш;

БЮДни қайта расмийлаштириш — расмийлаштирилган қоғоз шаклидаги БЮДни бекор қилиб, унинг ўрнига янги БЮДни расмийлаштириш;

БЮДни қайтариб олиш — БЮДни божхона органида рўйхатга олинганидан сўнг уни қайтариш орқали юридик кучга эга ҳужжат сифатида амал қилишини тўхтатиш;

БЮДни бекор қилиш — БЮДни божхона органида рўйхатга олинганидан сўнг бекор қилиш орқали юридик кучга эга ҳужжат сифатида амал қилишини тўхтатиш;

декларант — товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини ўз номидан декларацияловчи шахс ёхуд унинг номидан товарлар ва (ёки) транспорт воситалари декларацияланаётган шахс;

декларацияловчи шахс — божхона органларига БЮДни ўз номидан тақдим этаётган декларант ёки БЮДни тўлдириш, имзолаш ва божхона органларига декларант номидан тақдим этишга ваколатли божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис ёхуд бошқа шахс;

декларацияловчи шахслар рўйхати — декларант томонидан Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг «Декларацияловчи шахслар рўйхати» интерактив хизматига(дан) қўшиш ва чиқариш йўли билан шакллантириладиган декларацияловчи шахслар рўйхати;

расмийлаштирилган БЮД — божхона органи томонидан рўйхатга олинган ва «D» графасига божхона органининг тегишли белгилари қўйилган БЮД;

рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган БЮД — божхона органи томонидан БЮДнинг 7-графасига БЮД рақами ва қабул қилинган сана кўрсатилган, аммо «D» графасига божхона органининг тегишли белгилари қўйилмаган БЮД;

товарларни электрон декларациялашнинг автоматлаштирилган ахборот тизими (бундан буён матнда ТЭДААТ деб юритилади) — вазирлик ва идораларнинг тегишли ахборот тизимларининг алоқасини таъминловчи дастурий-техник воситалар комплекси;

электрон шаклдаги БЮД — декларацияловчи шахснинг электрон рақамли имзоси (бундан буён матнда ЭРИ деб юритилади) билан тасдиқланган, ДБҚ томонидан белгиланган шаклда ТЭДААТ воситасида электрон ҳужжат кўринишида тақдим этилган БЮД;

ахборот алмашиш тизими — ахборот тизимлари орқали ЭРИдан фойдаланган ҳолда божхона органлари ва декларацияловчи шахслар ўртасида электрон хабарларни алмашиш, тегишли ҳужжатларни тақдим этиш ва қабул қилиб олиш воситаси;

янги БДТ — декларацияловчи шахс томонидан божхона органига тақдим этилиб рўйхатга олинмаган ёки аввал рўйхатга олинган БДТдаги хато ва камчиликларни бартараф этиш учун тақдим этилган БДТ;

янги БЮД — декларацияловчи шахс томонидан божхона органига тақдим этилиб рўйхатга олинмаган ёки аввал рўйхатга олиниб, ундаги хато ва камчиликлар бартараф этилиб, қайта тақдим этилган БЮД;

қайта расмийлаштирилган БЮД — янги БЮД расмийлаштирилиб, юридик кучга эга ҳужжат сифатида амал қилиши тўхтатилган аввалги БЮД;

ҳудудий божхона бошқармалари — ДБҚнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўйича бошқармалари, «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси;

ДБҚнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими — божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларининг божхона назоратини амалга ошириш учун уларга доир ҳужжатлар ва маълумотларнинг киритилишини, ҳисобга олинишини ҳамда мониторинг қилинишини назарда тутувчи ДБҚнинг автоматлаштирилган тизими.

2. Божхона расмийлаштируви тугалланганидан ва товарлар муайян божхона режимига жойлаштирилганидан кейин БЮД қабул қилинган кундан эътиборан уч йил ичида БЮДга божхона органининг талаби билан ёки ваколатли шахснинг аризасига кўра, мазкур Низом талаблари асосида ўзгартириш, қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш ёхуд бекор қилиш мумкин.

Агар божхона органи декларант ёки божхона брокери томонидан кўрсатилган сабабларни асосли деб топса, БЮД товарлар чиқариб юборилгунига қадар декларант ёки божхона брокери томонидан қайтариб олиниши мумкин.

Олиб чиқилаётган товарларга доир БЮД ушбу товарларни олиб чиқишга рухсат берилганидан кейин ҳам, лекин улар амалда олиб чиқилгунига қадар қайтариб олиниши мумкин.

3. Божхона органига келиб тушган ариза Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунининг 28-моддасида белгиланган муддатда кўриб чиқилади.

Аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича аризачига ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб берилади. Жавоб хати божхона органи бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

4. Божхона органи аризани тўлиқ ва холисона кўриб чиқиш учун зарур бўлган қўшимча ҳужжатлар ва маълумотларни ҳамда ёзма тушунтиришларни сўраб олиши мумкин.

5. Электрон БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш декларацияловчи шахс томонидан божхона органига БДТ тақдим этиш орқали мазкур Низом талаблари асосида амалга оширилади, зарур ҳолларда БҚД ёки тегишли ҳужжатлар БДТга илова қилинади.

Божхона органлари томонидан декларацияловчи шахсдан ўзгартириш

ва (ёки) қўшимча киритилаётган БЮДда мавжуд ҳужжатларни такроран БДТга илова қилиниши талаб этилмайди, сифатсиз (хира, бўялган, тушунарсиз ва ҳ. к.) ҳужжатлар бундан мустасно.

БДТ ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритилган электрон БЮДнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

Электрон БЮД ёки БҚД графаларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш талаб этилмасдан божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган тегишли ҳужжатлар тақдим этиш лозим бўлган тақдирда, декларацияловчи шахс божхона органларига ҳужжатларни ТЭДААТ ёки ДБҚ томонидан кўрсатиладиган тегишли интерактив хизматлар орқали тақдим этади.

6. Қоғоз шаклдаги БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш БЮДнинг барча нусхаларидаги тегишли графаларига ўзгартириш ёки қўшимча киритиш ёхуд уни қайта расмийлаштириш орқали мазкур Низом талабларига мувофиқ амалга оширилади.

7. БЮДнинг фақат божхона органи томонидан тўлдириладиган графаларидаги ёзувларга ўзгартириш киритиш зарур бўлган тақдирда, ўзгартириш киритиш божхона органи ходими томонидан амалга оширилади ҳамда унинг имзоси ва шахсий рақамли муҳри (электрон БЮДда ЭРИ) билан тасдиқланади. Божхона органи томонидан тўлдириладиган графаларидаги ёзувларга ўзгартириш киритилганлиги ҳақида декларант ёки декларацияловчи шахс ёзма шаклдаги хат ёки ахборот алмашиш тизими орқали хабардор қилинади.

8. БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, бекор қилиш ёки қайтариб олиш қуйидаги ҳолларда мазкур Низом талаблари асосида амалга оширилади:

божхона расмийлаштируви жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш зарур бўлганда;

божхона қиймати ва (ёки) божхона тўловлари суммасини тўғрилаш зарурати юзага келганда;

товарларни ташишга мўлжалланган транспорт воситалари техник жиҳатдан носоз бўлганда;

экспорт божхона режимига расмийлаштирилган товарлар уларни олиб чиқишга рухсат берилган санадан сўнг автотранспорт воситаси ташувида ўн кунга қадар, бошқа транспорт воситалари ташувида йигирма кунга қадар олиб чиқилмаган ҳолатларда;

БЮД ёки унинг бир қисми бўйича расмийлаштирилган товарга эгалик қилиш ҳуқуқи ташқи иқтисодий фаолиятнинг бошқа субъектига берилганида, бундан экспорт ёки эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига расмийлаштирилиб, контракт (шартнома, келишув) шартлари тўлиқ бажарилган ва (ёки) шартли чиқарилмаган товарлар, шунингдек товардан фойдаланиш ҳуқуқи чекланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 96-моддасига кўра божхона омбори божхона режимига жойлаштирилган товарни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ ҳолатлар мустасно;

контракт (шартнома, келишув) шартлари ўзгарганда, бундан экспорт

ёки эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига расмийлаштирилиб, контракт (шартнома, келишув) шартлари тўлиқ бажарилган ва (ёки) шартли чиқарилмаган товарлар, шунингдек товардан фойдаланиш ҳуқуқи чекланган ҳолатлар мустасно;

БЮД расмийлаштирилгандан сўнг, ундаги товарлар бўйича тузилган контрактларга қўшимча келишувлар киритилиб, уларга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар, хорижий ҳамкорлар ва уларнинг реквизитлари ўзгарган тақдирда;

битта товар юзасидан такроран бир нечта БЮД қабул қилинган ҳолат аниқланганда;

БЮДга ўзгартириш, қўшимча киритиш ёки уни қайта расмийлаштириш учун асос бўладиган ҳамда тақдим этилган ҳужжатлар билан тасдиқланган, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳолларда.

2-боб. Рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган электрон шаклдаги БЮДга ўзгартириш, қўшимча киритиш, уни қайтариб олиш ва (ёки) бекор қилиш

1-§. Декларацияловчи шахснинг мурожаатига асосан БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш

9. Рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш мазкур Низомнинг 8-банди иккинчи — тўртинчи ва ўнинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

10. Қуйидаги ҳолларда БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш тақиқланади:

декларант ёки декларацияловчи шахсдан БЮДда маълум қилинган товарларга нисбатан ҳужжатлар ва (ёки) маълумотлар талаб қилиниб, бу бўйича текширув якунига етмаган бўлса;

БЮДда маълум қилинган товарларни божхона кўригидан ўтказиш белгиланиб, бу жараён якунига етмаган бўлса;

БЮДдаги товарларни божхона экспертизасидан ўтказиш тайинланиб, бу жараён якунига етказилмаган бўлса.

11. Рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш зарурати юзага келганда, декларацияловчи шахс БЮД рўйхатга олинган божхона органига ахборот алмашиш тизими орқали мурожаат қилади. Мурожаатда божхона органи томонидан берилган БЮДнинг рўйхат рақами, мазкур БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритишнинг аниқ сабаблари кўрсатилади.

12. Божхона органи бир иш куни ичида БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш бўйича мурожаатни кўриб чиқади ва натижаси бўйича ахборот алмашиш тизими орқали маълум қилади.

13. Божхона органи томонидан БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун асослар мавжуд деб топилганда, ахборот алмашиш тизимида қўшимча равишда БЮДдаги хато ва (ёки) камчиликлар бўйича тақдим

этилиши лозим бўлган БДТ ва (ёки) қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли ҳужжатлар ҳамда уларни тақдим этиш муддати кўрсатилади.

14. БДТ ёки тегишли ҳужжатларни тақдим этиш муддати декларацияловчи шахс ахборот алмашиш тизими орқали маълум қилинган кундан кейинги иш куни якунига қадар этиб белгиланади.

15. Декларацияловчи шахс томонидан божхона органига:

БДТ ахборот алмашиш тизимида баён этилган муддатда тақдим этилганида, божхона органи тақдим этилган БДТни мазкур Низомда белгиланган тартибда рўйхатга олади;

тегишли ҳужжатлар ахборот алмашиш тизимида баён этилган муддатда тақдим этилганида, божхона органи тақдим этилган ҳужжатни қабул қилиб олади, бундан талаб этилмаган (асоссиз тақдим этилган) ёки сифатсиз (хира, бўялган, тушунарсиз ва ҳ. к.) ҳужжатлар мустасно.

БДТ ёки тегишли ҳужжатлар ахборот алмашиш тизимида белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, божхона органи БЮДни бекор қилади, бундан мазкур Низомнинг 26-бандида назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

16. Божхона органи мурожаатни кўриб чиқиш натижаси бўйича БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун асослар мавжуд эмас ёхуд тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ эмас деб топса, БЮДга ўзгартириш ёки қўшимча киритишни рад этишга ҳақли.

Бундай ҳолатларда рад этишнинг асосланган сабаблари ахборот алмашиш тизими орқали маълум қилинади.

17. Рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш юзасидан декларант ариза билан БЮД рўйхатга олинган божхона органига мурожаат қилиши мумкин. Бундай ҳолларда божхона органи томонидан аризани кўриб чиқиб, ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун асослар мувжуд эмас деб топилганда, аризачига ўзининг асослантирилган жавоб хатини юбориши лозим.

2-§. Божхона органи ташаббуси билан БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш

18. Рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган БЮДга божхона органи ташаббуси билан ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш мазкур Низомнинг 8-банди иккинчи — тўртинчи ҳамда ўнинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

19. Мазкур Низомнинг 10-банди учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тақиқланади.

20. Божхона органи томонидан аниқланган БЮДдаги хато ва (ёки) камчиликларни бартараф этиш зарур бўлганда, божхона органи декларацияловчи шахсни ахборот алмашиш тизими орқали хабардор қилади. Бунда божхона органи БЮДдаги хато ва (ёки) камчиликлар тўғрисида аниқ маълумотлар ҳамда уларни бартараф этиш учун тақдим этиладиган БДТ ёки тегишли ҳужжатларни тақдим этиш муддати кўрасатилиши шарт. БДТ ёки

тегишли ҳужжатларни тақдим этиш муддати мазкур Низомнинг 14-бандига асосан белгиланади.

21. Божхона органи тақдим этилган БДТни рўйхатга олиш, тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ёки БЮДни бекор қилиш мазкур Низомнинг 15-бандига мувофиқ амалга оширилади.

3-§. Декларантнинг мурожаатига асосан БЮДни қайтариб олиш

22. Рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган БЮДни қайтариб олиш учун декларант БЮД рўйхатга олинган божхона органига ариза билан мурожаат қилади.

Аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича БЮДни қайтариб олиш учун асослар мавжуд деб топилса, бир иш куни давомида ДБҚнинг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида БЮД қайтарилади.

23. Божхона органи аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича БЮДни қайтариб олиш учун асослар мавжуд эмас деб топса, БЮДни қайтаришни рад этишга ҳақли. Бунда рад этишнинг асосланган сабаблари ёзма ёки электрон шаклда аризачига маълум қилинади.

24. БЮДни қайтариб олиш қуйидаги ҳолларда тақиқланади:

мазкур Низомнинг 10-бандида назарда тутилган ҳолларда;

ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган БЮД бўйича иш кўриб чиқилиб, суд ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган қарори чиққунга қадар.

4-§. БЮДни божхона органи ташаббуси билан бекор қилиш

25. Рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган БЮДни божхона органи ташаббуси билан бекор қилиш битта товар юзасидан такроран бир нечта БЮД қабул қилинган ҳолати аниқланганда ёки хато ва камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган БДТ ва (ёки) тегишли ҳужжатлар мазкур Низомнинг 14-бандида белгиланган муддатда тақдим этилмаганда амалга оширилиши мумкин.

26. Божхона органи ташаббуси билан БЮДни бекор қилиш қуйидаги ҳолларда тақиқланади:

мазкур Низомнинг 24-бандида назарда тутилган ҳолларда;

БЮД илгари расмийлаштирилган муваққат, тўлиқ бўлмаган, даврий ва дастлабки БЮДлар бўйича тақдим этилганда.

27. Битта товар юзасидан такроран бир нечта БЮД қабул қилинган ҳолати аниқланганда, божхона органи бу ҳақда декларацияловчи шахсни ахборот алмашиш тизими орқали хабардор қилади.

28. Декларацияловчи шахс хабарнома келиб тушган кундан кейинги иш куни якунига қадар аниқланган ҳолат бўйича божхона органига батафсил тушунтириш бериши лозим.

29. Битта товар юзасидан такроран бир нечта БЮД қабул қилинган

ҳолати тасдиқланганда ёки мазкур Низомнинг 28-бандида белгиланган муддатда тушунтириш берилмаганда БЮД божхона органи томонидан бекор қилинади, бундан мазкур Низомнинг 26-бандида белгиланган ҳоллар мустасно.

БЮД бекор қилинганда, божхона органи бу ҳақда декларант ёки декларацияловчи шахсни хабардор қилади.

3-боб. Расмийлаштирилган электрон шаклдаги БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш

1-§. Декларантнинг мурожаатига асосан БЮДга ўзгартириш ёки қўшимча киритиш

30. Расмийлаштирилган БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш декларант ёки унинг номидан БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш тўғрисидаги ишончномаси асосида декларацияловчи шахс аризасига асосан мазкур Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

31. Мазкур Низомнинг 10-банди учинчи ва тўртинчи хатбошиларида ва 24-бандининг учинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда БЮДга ўзгартириш ёки қўшимча киритиш тақиқланади.

32. БЮДга ўзгартириш ёки қўшимча киритиш учун декларант ёки декларацияловчи шахс:

мурожаат этилаётган йилда расмийлаштирилган БЮДга божхона тўловлари суммаларини қайтариш билан боғлиқ бўлмаган ёки экспорт шартномалари бўйича олиб чиқилган товарларнинг халқаро товар биржаларида қиймати ўзгариши сабабли унинг қиймати ва божхона тўловлари суммалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш юзасидан БЮД рўйхатга олинган божхона пости бошлиғига;

мазкур бандининг иккинчи хатбошисида назарда тутилмаган бошқа ҳолларда БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш юзасидан БЮД расмийлаштирилган ҳудудий божхона бошқармаси бошлиғи ёки унинг ўринбосарига ёзма ёхуд электрон шаклда ариза билан мурожаат қилиши лозим.

Аризада БЮДнинг рўйхат рақами, унга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш зарурияти-нинг аниқ сабаблари кўрсатилади ва уларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади. Тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик аризачи зиммасига юклатилади.

33. Божхона органи аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун асослар мавжуд эмас ёхуд тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ эмас деб топса, БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритишни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолатларда рад этишнинг асосланган сабаблари аризачига ёзма ёки электрон шаклда маълум қилинади.

34. Божхона органи аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича БЮДга

ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун асосли деб топса, БЮДдаги хато ва (ёки) камчиликларни бартараф этиш бўйича БДТ ва (ёки) қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли ҳужжатларни тақдим этиш юзасидан аризачига ёзма ёки электрон шаклда жавоб хатини юборади.

Декларант ёки декларацияловчи шахс БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш бўйича жавоб хатини олгандан сўнг беш кундан кечиктирмай божхона органига БДТ ва (ёки) тегишли ҳужжатларни тақдим этиши керак.

БЮДга ўзгартириш ёки қўшимча киритиш учун БДТ ва (ёки) тегишли ҳужжатларни тақдим қила олмаса, бу ҳақида ёзма ёки электрон равишда божхона органига ўзининг асослантирилган хатини юбориши лозим.

2-§. Божхона органи ташаббуси билан БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш

35. Божхона органи ташаббуси билан расмийлаштирилган БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш мазкур Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

36. БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш зарурати юзага келганда, божхона органи бу ҳақда декларант ва (ёки) декларацияловчи шахсни хабардор қилади, зарур ҳолларда божхона органи бошлиғи ёхуд унинг ўринбосари томонидан имзоланган хат юборади.

Божхона органи декларант ёки декларацияловчи шахсдан БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш юзасидан қўшимча ҳужжат ва маълумотларни ҳамда ёзма тушунтиришларни сўраб олиши мумкин.

37. Божхона органи томонидан БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш бўйича божхона органининг хатини олгандан сўнг декларант ёки декларацияловчи шахс беш кундан кечиктирмай қуйидагилардан бирини амалга ошириши лозим:

БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун божхона органига БДТ ва (ёки) тегишли ҳужжатларни тақдим этиши;

БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун БДТ ёки тегишли ҳужжатларни тақдим қила олмаса ёки БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун зарурат йўқ деб ҳисобласа, бу ҳақида ёзма ёки электрон шаклда божхона органига ўзининг асослантирилган хатини юбориши.

38. Декларант ёки декларацияловчи шахс асосланган сабабларга кўра БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун БДТ тақдим қила олмаса, божхона органи томонидан мустақил равишда божхона мақсадлари учун БЮДга ўзгартириш (ва) ёки қўшимча киритилиши мумкин, бундан киритиладиган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар божхона тўловларига ёки ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви)даги маълумотларга таъсир этадиган ҳолатлар мустасно.

Божхона органи БЮДга киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар ҳақидаги асослантирилган хатни декларантга юбориши шарт, бундан декларант фаолияти тугатилган ҳолатлар мустасно.

3-§. Декларантнинг мурожаатига асосан БЮДни қайтариб олиш ёки бекор қилиш

39. Декларантнинг аризаси билан БЮДни бекор қилиш фақат битта товар юзасидан бир нечта БЮД қабул қилинган ҳолатларда амалга оширилиши мумкин.

40. Божхона органи декларант томонидан кўрсатилган сабабларни асосли деб топса, олиб чиқилаётган товарларга доир БЮД ушбу товарларни олиб чиқишга рухсат берилганидан кейин ҳам, лекин улар амалда олиб чиқилгунига қадар қайтариб олиниши мумкин, мазкур Низомнинг 24-банди учинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

41. БЮД расмийлаштирилгандан кейин уни қайтариб олиш ёки бекор қилиш учун декларант БЮД рўйхатга олинган божхона органи бошлиғи ёки унинг ўринбосарига ариза билан мурожаат қилади.

42. Агар аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича БЮДни қайтариб олиш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд деб топилса, уч иш куни давомида ДБҚнинг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали БЮД қайтарилади ёки бекор қилинади.

Божхона органи аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича БЮДни бекор қилиш ёки қайтариб олиш учун асослар мавжуд эмас деб топса, БЮДни бекор қилиш ёки қайтаришни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолатларда рад этишнинг асосланган сабаблари аризачига ёзма ёки электрон шаклда маълум қилинади.

4-§. БЮДни божхона органи ташаббуси билан бекор қилиш

43. Расмийлаштирилган БЮДни божхона органи ташаббуси билан бекор қилиш мазкур Низомнинг 8-банди бешинчи ва тўққизинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

44. БЮД юзасидан ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, бу бўйича иш суд ёки тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинмаган бўлса мазкур БЮДни бекор қилиш тақиқланади.

45. Битта товар юзасидан такроран бир нечта БЮД қабул қилинган ҳолати аниқланганда, божхона органи бу ҳақда декларант ва (ёки) декларацияловчи шахсни хабардор қилади, зарур ҳолларда божхона органи бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланган хат юборади.

Декларант ёки декларацияловчи шахс божхона органининг хатини олгандан сўнг беш кун ичида аниқланган ҳолат бўйича тушунтириш бериши шарт.

46. Мазкур Низомнинг 8-банди бешинчи ва тўққизинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолатлар тасдиқланган ҳолларда БЮД божхона органи томонидан бекор қилинади ва бу ҳақда декларант ёки декларацияловчи шахс хабардор этилади.

II бўлим. Қоғоз шаклдаги БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш, уни қайтариб олиш ва бекор қилиш

4-боб. Рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган қоғоз шаклдаги БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайтариб олиш ва бекор қилиш

1-§. Декларант ёки декларацияловчи шахснинг мурожаатига асосан БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш

47. Рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш мазкур Низомнинг 8-банди иккинчи — тўртинчи ва ўнинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

48. БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш мазкур Низомнинг 10-бандида назарда тутилган ҳолларда тақиқланади.

49. БЮД божхона органида рўйхатга олингандан сўнг, БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш зарурати юзага келганда декларант ёки декларацияловчи шахс БЮД рўйхатга олинган божхона органига мурожаат қилади.

Мурожаатда БЮДнинг божхона органида рўйхатга олинган рақами, унга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритишнинг аниқ сабаблари кўрсатилади.

50. БЮДга ўзгартириш киритиш БЮДнинг барча нусхаларидаги тегишли графалари матнини «Х» белгиси билан ўчириш ва янги матнни ёзиш, қўшимча киритиш эса тегишли графага қўшимча маълумотларни киритиш йўли билан амалга оширилади. БЮДнинг ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритилиши лозим бўлган графаларида ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларни киритиш учун етарли жой бўлмаган тақдирда, киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимча ҳақидаги ёзув БЮДнинг орқа томонига қайд қилинади.

Бунда БЮД нусхаларининг орқа томонида ким томонидан, қачон, нимага асосланиб, қайси графада ва нима ўзгартирилганлиги ҳақида ёзув қайд қилинади. Ёзув ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритган декларацияловчи шахснинг имзоси билан тасдиқланади.

51. БЮДнинг фақат божхона органи ходими томонидан тўлдириладиган графаларидаги ёзувларга ўзгартириш киритиш зарур бўлган тақдирда, ўзгартириш киритиш божхона органи ходими томонидан амалга оширилади ҳамда унинг имзоси ва шахсий рақамли муҳри билан тасдиқланади.

52. БЮДга киритилган ўзгартиришларнинг умумий сони (тўлдириш вақтида декларацияловчи шахс томонидан киритилган ўзгартиришлар билан бирга) тўрттадан ошган тақдирда, БЮДнинг ўрнига хато ва (ёки) камчиликлари бартараф этилган янги БЮД тақдим этилади.

53. БЮД рўйхатга олинган кундан эътиборан беш кун ичида ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритилмаса ёхуд унинг ўрнига хато ва (ёки) кам-

чиликлари бартараф этилган янги БЮД тақдим этилмаса — божхона органи БЮДни бекор қилади, бундан мазкур Низомнинг 24-бандида назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

2-§. Божхона органи ташаббуси билан БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш

54. Рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган БЮДга божхона органи ташаббуси билан ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш мазкур Низомнинг 8-банди иккинчи — тўртинчи ҳамда ўнинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

55. Мазкур Низомнинг 10-банди учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш тақиқланади.

56. Божхона органи томонидан БЮДда хато ва камчиликлар аниқланганда бу ҳақда божхона органи декларант ёки декларацияловчи шахсни хабардор қилади. Бунда божхона органи ходими декларант ёки декларацияловчи шахсга БЮДдаги хато ва камчиликлар тўғрисида аниқ маълумот бериши шарт.

57. Рўйхатга олинган БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар мазкур Низомнинг 50 — 53-бандларига мувофиқ тартибда киритилади.

3-§. Декларантнинг мурожаати асосида БЮДни қайтариб олиш

58. Божхона органи декларант томонидан кўрсатилган сабабларни асосли деб топса, рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган БЮД декларант томонидан қайтариб олиниши мумкин.

59. БЮДни қайтариб олиш мазкур Низомнинг 24-бандида назарда тутилган ҳолларда тақиқланади.

60. БЮД рўйхатга олингандан кейин уни қайтариб олиш учун декларант БЮД рўйхатга олинган божхона органига ариза билан мурожаат қилади.

Божхона органи аризани кўриб чиқиш натижасида БЮДни қайтариб олиш учун асослар мавжуд эмас деб топса, БЮДни қайтаришни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолатларда рад этишнинг асосланган сабаблари аризачига ёзма ёки электрон шаклда маълум қилинади.

Агар аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича БЮДни қайтариб олиш учун асослар мавжуд деб топилса, божхона органи ходими томонидан БЮД қайтарилади.

61. БЮД қайтарилаётганда божхона органи ходими томонидан мазкур БЮДнинг барча нусхаларида пастки чап бурчакдан бошлаб диагонал бўйича «ҚАЙТАРИЛДИ» ёзуви қайд қилинади. Нусхаларнинг орқа томонида мазкур БЮД ким томонидан ва нима асосида қайтарилганлиги кўрсатилади.

4-§. БЮДни божхона органи ташаббуси билан бекор қилиш

62. Рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган БЮДни божхона органи ташаббуси билан бекор қилиш белгиланган муддатда БЮДдаги хато ва камчиликлар бартараф этилмаган ҳолатларда амалга оширилиши мумкин, бундан мазкур Низомнинг 24-бандида назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

63. Рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган БЮДни бекор қилиш унга берилган рўйхат рақамини бекор қилиш йўли билан амалга оширилади ва бу ҳақда декларант ёки декларацияловчи шахс хабардор этилади.

БЮД бекор қилинаётганда божхона органи ходими томонидан мазкур БЮДнинг барча нусхаларида пастки чап бурчакдан бошлаб диагонал бўйича «БЕКОР ҚИЛИНДИ» ёзуви қайд қилинади. Нусхаларнинг орқа томонида мазкур БЮД ким томонидан ва нима асосида бекор қилинганлиги кўрсатилади.

5-боб. Расмийлаштирилган қоғоз шаклдаги БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш

1-§. БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш, бекор қилиш бўйича ариза бериш ва уни кўриб чиқиш

64. Расмийлаштирилган БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш ёки уни қайта расмийлаштириш мазкур Низомнинг 8-банди иккинчи — саккизинчи ва ўнинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

65. БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ёки бекор қилиш мазкур Низомнинг 10-банди учинчи ва тўртинчи хатбошиларида ҳамда 24-бандининг учинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда тақиқланади.

66. БЮДни бекор қилиш фақат битта товар юзасидан бир нечта БЮД қабул қилинган ҳолатларда амалга оширилади.

67. Божхона органи декларант томонидан кўрсатилган сабабларни асосли деб топса, олиб чиқилаётган товарлар бўйича БЮД ушбу товарларни олиб чиқишга рухсат берилганидан кейин ҳам, лекин улар амалда олиб чиқилгунига қадар қайтариб олиниши мумкин, бундан мазкур Низомнинг 24-банди учинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

68. БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ёки бекор қилиш талаб этилганида декларант ариза билан:

мурожаат этилаётган йилда расмийлаштирилган БЮДга божхона тўловлари суммаларини қайтариш билан боғлиқ бўлмаган (экспорт шартномалари

бўйича олиб чиқилган товарнинг халқаро товар биржаларида қиймати ўзгариши сабабли божхона тўловлари суммаларини қайтариш билан боғлиқ ҳолатлар бундан мустасно) ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш ёки уни қайта расмийлаштириш юзасидан БЮД рўйхатга олинган божхона пости бошлиғига;

мазкур банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилмаган бошқа ҳолларда БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ёки бекор қилиш юзасидан БЮД расмийлаштирилган ҳудудий божхона бошқармаси бошлиғи ёки унинг ўринбосарига ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

Аризада БЮДнинг рўйхат рақами, унга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ёки бекор қилишнинг аниқ сабаблари кўрсатилади ва аризага буни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда БЮДнинг божхона брокери ва декларант учун тайёрлаб берилган дастлабки расмийлаштирилган асл нусхалари илова қилинади. Тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик аризачи зиммасига юклатилади.

69. Божхона органи аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас ёхуд тақдим этилган ҳужжатларни тўлиқ эмас деб топса, БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ёки бекор қилишни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолатларда рад этишнинг асосланган сабаблари аризачига ёзма ёки электрон шаклда маълум қилинади.

2-§. БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш ёки бекор қилиш бўйича божхона органи томонидан аниқланган ҳолатларни кўриб чиқиш

70. Божхона органи ташаббуси билан БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш мазкур Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

Божхона органи ташаббуси билан БЮДни бекор қилиш битта товар юзасидан бир нечта БЮД қабул қилинган ҳолатларда амалга оширилиши мумкин.

71. БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш ёки бекор қилиш лозим деб топилганда божхона органи бу ҳақда декларант ёки декларацияловчи шахсни хабардор қилади, зарур ҳолларда божхона органи бошлиғи ёхуд унинг ўринбосари томонидан имзоланган хат юборади.

Божхона органи декларант ёки декларацияловчи шахсдан БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш юзасидан қўшимча ҳужжатлар ва маълумотларни ҳамда ёзма тушунтиришларни сўраб олиши мумкин.

3-§. БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ёки бекор қилиш

72. Декларант ёки декларацияловчи шахс божхона органининг БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш ёки бекор қилиш бўйича хатини олгандан сўнг беш кундан кечиктирмай қуйидагилардан бирини амалга ошириши лозим:

БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш ёки бекор қилиш учун божхона органига БЮД ва унга тегишли ҳужжатларни тақдим этиши;

БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш ёки бекор қилиш учун БЮД ва унга тегишли ҳужжатларни тақдим қила олмаса ёки БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш ёки бекор қилиш учун асос мавжуд эмас деб ҳисобласа, бу ҳақида ёзма равишда божхона органига ўзининг асослантирилган хатини юбориши лозим.

73. Расмийлаштирилган БЮДга ўзгартириш киритиш БЮДнинг барча нусхаларидаги тегишли графалари матнини «Х» белгиси билан ўчириш ва янги матнни ёзиш, қўшимча киритиш эса тегишли графага қўшимча маълумотларни киритиш йўли билан амалга оширилади. БЮДнинг ўзгартириш ва қўшимча киритилиши лозим бўлган графаларида ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш учун етарли жой бўлмаган тақдирда, киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимча ҳақидаги ёзув БЮДнинг орқа томонига қайд қилинади.

Бунда БЮД нусхаларининг орқа томонида ким томонидан, қачон, нимага асосланиб, қайси графада ва нима ўзгартирилганлиги ҳақида ёзув қайд қилинади. Ёзув ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритган декларацияловчи шахснинг имзоси, божхона органи ходими имзоси ва шахсий рақамли муҳри билан тасдиқланади.

74. БЮДнинг фақат божхона органи томонидан тўлдириладиган графаларидаги ёзувларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш зарур бўлган тақдирда, ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш божхона органи томонидан амалга оширилади ҳамда божхона органи ходими имзоси ва шахсий рақамли муҳри билан тасдиқланади.

75. БЮДга киритилган ўзгартиришларнинг умумий сони (тўлдириш вақтида декларацияловчи шахс томонидан киритилган ўзгартиришлар билан бирга) тўрттадан ошган тақдирда, мазкур БЮД қайта расмийлаштирилади.

76. БЮД қайта расмийлаштирилганда қайта расмийлаштирилган БЮДнинг барча нусхаларида пастки чап бурчакдан бошлаб диагонал бўйича «ҚАЙТА РАСМИЙЛАШТИРИЛДИ» ёзуви қайд қилинади. Нусхаларнинг орқа томонида мазкур БЮД ким томонидан ва нима асосида қайта расмийлаштирилганлиги кўрсатилади.

Бунда янги БЮДга қайта расмийлаштирилган аввалги БЮДнинг рўйхат

рақами ва юк чиқариш санаси берилади. Янги БЮДнинг 50-графасида БЮДни қайта расмийлаштиришга асос бўлган ҳужжат рақами ва унинг санаси кўрсатилади. Ушбу графада етарли жой бўлмаган тақдирда бундай ёзув БЮДнинг орқа томонига қайд қилинади.

77. Расмийлаштирилган БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш ёки уни қайта расмийлаштириш декларацияловчи шахс томонидан БЮД ва унга тегишли зарур ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб уч иш куни ичида божхона органи томонидан амалга оширилади.

78. Декларант ёки декларацияловчи шахс асосланган сабабларга кўра БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун БЮД тақдим қила олмаса, божхона органи томонидан мустақил равишда божхона мақсадлари учун БЮДга ўзгартириш (ва) ёки қўшимча киритилиши мумкин, бундан киритиладиган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар божхона тўловларига ёки ташқи савдо контракти (шартномаси, келишувини) маълумотларига таъсир этадиган ҳолатлар мустасно.

Божхона органи БЮДга киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар ҳақидаги асослантирилган хатни декларантга юбориши шарт, бундан декларант фаолияти тугатилган ҳолатлар мустасно.

79. БЮД қайтарилаётганда божхона органи ходими томонидан мазкур БЮДнинг барча нусхаларида пастки чап бурчакдан бошлаб диагонал бўйича «ҚАЙТАРИЛДИ» ёзуви қайд қилинади. Нусхаларнинг орқа томонида мазкур БЮД ким томонидан ва нима асосида қайтарилганлиги кўрсатилади.

80. БЮД бекор қилинаётганда божхона органи ходими томонидан мазкур БЮДнинг барча нусхаларида пастки чап бурчакдан бошлаб диагонал бўйича «БЕКОР ҚИЛИНДИ» ёзуви қайд қилинади. Нусхаларнинг орқа томонида мазкур БЮД ким томонидан ва нима асосида бекор қилинганлиги кўрсатилади.

81. Қайта расмийлаштирилган ёки бекор қилинган БЮДнинг барча нусхалари божхона органида сақланади, бундан экспорт божхона режимида юк мўлжалланган мамлакатга юбориш учун тайёрлаб берилган нусха мустасно.

III бўлим. БДТни тўлдириш, тақдим этиш, расмийлаштириш, тузатиш киритиш ёки қайтариб олиш

6-боб. БДТни тўлдириш

82. Декларацияловчи шахс томонидан БДТнинг 1, 2, 7, 8, 9, 10, 14, 27, 32, 50, 54, «А» графалари билан бирга фақат БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши лозим бўлган графалари тўлдирилади.

БДТнинг 1, 2, 8, 9, 14, 50, 54-графалари ва БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилаётган графалари Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 2773, 2016 йил 6 апрель) (бундан буён матнда Йўриқнома деб юритилади) белгиланган тартибга мувофиқ тўлдирилади.

БДТнинг 7, 10, 27, 32, «A», «D» графалари мазкур Низомнинг 85-бандига мувофиқ тартибда тўлдирилади.

83. БЮДнинг 1, 2, 8, 9, 10, 14, 50, 54-графаларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши лозим бўлган тақдирда, БДТнинг «A» графасида ўзгартириладиган графалар рўйхати кўрсатилади ва ушбу графалари ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилган ҳолда тақдим этилади. Мазкур графаларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш лозим бўлмаганда, БЮДнинг тегишли графаларидаги маълумотлар такрорланади.

84. Йўриқнома талабларига мувофиқ БЮДнинг тўлдирилиши мажбурий бўлган барча графалари БДТда қуйидаги ҳолатларда тўлдирилади:

БЮДга киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар БЮДнинг 5-графасидаги товарлар сонига таъсир этса ёки 32-графаси ўзгартирилаётган бўлса;

расмийлаштирилган битта БЮДдаги товарлар бир нечта БЮДлар билан расмийлаштирилиши лозим бўлган, БЮД қисмларга бўлинаётган ёки акси бўлган ҳолатларда.

85. БДТнинг 7, 7a, 10, 27, 32, «A», «D» графалари қуйидаги тартибда тўлдирилади:

1) 7-графа. «БЮДнинг рўйхат рақами».

Графада ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши лозим бўлган БЮДнинг 7-графасидаги БЮДнинг рўйхат рақами кўрсатилади;

2) 7a-графа. «БДТнинг рўйхат рақами».

Графа божхона органи томонидан қуйидаги тартибда тўлдирилади:

99999 /99.99.9999 / 9999999

1 2 3 4 5

1-элемент — БДТ рўйхатга олинган божхона постининг Йўриқномaнинг 4-иловасидаги Божхона постлари таснифлагичига мувофиқ бешта белгили коди;

2, 3 ва 4-элементлар — БДТ рўйхатга олинган кун, ой ва йил;

5-элемент — тегишли божхона органи томонидан рўйхатга олинган БДТнинг тартиб рақами (жорий йилда ўсиш тартибида, йил якунлангач рақамлаш янгидан бошланади). БДТнинг тартиб рақами қайтарилмаслиги лозим;

3) 10-графа.

Графанинг чап бўлмасида киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар турининг иккита рақамли коди кўрсатилади:

«01» — божхона органи томонидан аниқланган ҳолатлар асосида бўлса;

«02» — декларант ёки декларацияловчи шахснинг мурожаати асосида бўлса;

«03» — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа идоралар томонидан ўтказилган текширув натижалари асосида бўлса.

Графанинг ўнг бўлмасида божхона тўловлари ва божхона тўловларидан берилган имтиёзларга таъсир турининг иккита рақамли коди кўрсатилади:

«01» — ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар божхона тўловларидан бе-

рилган имтиёзларига таъсир этмасдан фақат тўланиши учун ҳисобланган божхона тўловларига таъсир этса;

«02» — ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар тўланиши учун ҳисобланган божхона тўловларига таъсир этмасдан фақат божхона тўловларидан берилган имтиёзларига таъсир этса;

«03» — ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар тўланиши ва имтиёз қўлланилиши учун ҳисобланган божхона тўловларига таъсир этса;

«04» — ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар тўланиши ва имтиёз қўлланилиши учун ҳисобланган божхона тўловларига таъсир этмаса;

4) 27-графа.

Графада қуйидагилар кўрсатилади:

«0» — агар БҚДдаги маълумотларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилмаётган бўлса;

«1» — агар БҚДдаги маълумотларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилаётган бўлса.

5) 32-графа.

Графанинг чап бўлмасида БДТдаги товарнинг тартиб рақами кўрсатилади.

БДТда битта номдаги товарга оид маълумотлар кўрсатилган бўлса, графада «1» рақами кўрсатилади.

Графанинг ўнг бўлмасида БЮДдаги ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилаётган товарнинг тартиб рақами кўрсатилади.

Масалан:

агар БЮДнинг биринчи товаридаги тегишли маълумотларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилаётган бўлса, графада «1/1» кўрсатилади;

агар БЮДнинг фақат иккинчи товаридаги тегишли маълумотларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилаётган бўлса, графада «1/2» кўрсатилади;

БЮДга киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар унинг товарга оид қисмига (масалан, БЮДнинг 3, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47-графаларига) таъсир этмаса графанинг ўнг ва чап бўлмаларида «0» рақамлари кўрсатилади.

6) «А» графа.

Графада БЮДнинг ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилаётган графаси ёки махсус код кўрсатилади:

а) агар ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилаётган графалар сони бир нечта бўлса уларнинг барчаси кўрсатилади.

Масалан:

11, 20, С;

б) БЮДнинг товарга оид қисмига (масалан, БЮДнинг 3, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47-графаларига) ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилаётганда ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилаётган графадан сўнг «/» ажратиш белгиси қўйилган ҳолда ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилаётган графаларга оид товарнинг тартиб рақами кўрсатилади;

Масалан:

11, 20, C, 46/1, 46/2, 42/2.

БДТда электрон шаклдаги тузилишига асосан ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилаётган графаларнинг ҳар бири ҳеч қандай ажратиб турувчи белгилар қўйилмасдан алоҳида ажратилган майдончаларда кўрсатилади. Ҳарфли графалар лотин алифбосида қайд этилиши лозим;

в) БЮДга киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар БЮДнинг 5-графасидаги товарлар сонига таъсир этса ёки 32-графаси ўзгартирилаётган бўлса бундай ҳолатларда графада «60» коди кўрсатилади;

г) Расмийлаштирилган битта БЮДдаги товарлар бир нечта БЮД билан расмийлаштирилиши лозим бўлган, БЮД қисмларга бўлинаётган ёки акси бўлган ҳолатларда «61» коди кўрсатилади ва «/» ажратиш белгиси қўйилган ҳолда БЮДнинг шартли тартиб рақами («1» рақамидан бошлаб ўсиш тартибида) кўрсатилади.

Масалан битта БЮДдаги товарлар бўйича иккита БЮД расмийлаштирилиши лозим бўлганда:

дастлаб тақдим этиладиган БЮДга «61/1»;

кейинги тақдим этиладиган БЮДга «61/2» кўрсатилади.

БЮД қисмларга бўлинаётган ҳолатларда биринчи қисмга тегишли БЮДнинг рўйхат рақами дастлабки БЮДнинг тартиб рақами билан бир хилда шаклланади. Кейинги қисмларга тегишли БЮДнинг рўйхат рақами божхона органи томонидан шакллантирилади;

д) БЮДнинг графаларига ўзгартириш киритилмасдан фақат БҚДдаги маълумотларга ўзгартириш киритилаётган ҳолатларда графада «62» коди кўрсатилади.

7. «D» графа.

Графа божхона органи томонидан тўлдирилади ва графада божхона органининг БДТга нисбатан қабул қилган қарори ҳақидаги божхона органи белгилари (ёзувлари) кўрсатилади. Божхона органи белгилари (ёзувлари) божхона органи ходимининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

7-боб. БДТни божхона органларига тақдим этиш, божхона органларида рўйхатга олиш ва расмийлаштириш

1-§. БДТни божхона органларига тақдим этиш

86. БЮДнинг асосий варағига ёки битта товарига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш зарур бўлганда, мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ БДТнинг асосий варағи, БЮДнинг бир нечта товарларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилаётганда эса БДТнинг асосий варағига қўшимча равишда мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ БДТнинг қўшимча варағи тақдим этилади.

БДТ божхона органларига белгиланган формат ва тузилишга мувофиқ тақдим этилиши лозим.

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

87. Декларацияловчи шахс БДТни ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди ва божхона органларига электрон шаклда ТЭДААТ орқали божхона органига юборади.

88. Декларант томонидан декларацияловчи шахслар рўйхатига декларацияловчи шахс ёки божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис ёхуд бошқа шахс тўғрисидаги маълумотлар киритилиши ҳамда унинг божхона органларига БДТни тақдим этиш ваколат муддати кўрсатилиши керак, бундан хорижий давлатларнинг дипломатик ва консуллик муассасалари мустасно.

Агар БДТ хорижий давлатларнинг дипломатик ва консуллик ваколатхоналари номидан тақдим этилса божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис ёки бошқа шахс тўғрисидаги маълумотлар декларацияловчи шахслар рўйхатига киритилмайди.

89. Божхона органида асосланган сабабларга кўра, мазкур Низомнинг 8-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар юзага келиб, божхона мақсадлари учун БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш зарурати мавжуд бўлганда, ҳудудий божхона бошқармасининг рухсати билан БДТ декларацияловчи шахслар рўйхатига киритилмаган декларацияловчи шахс томонидан тақдим этилиши мумкин.

Бунда электрон БЮДнинг фақат 2 (шахснинг СТИРи), 8 (шахснинг СТИРи), 9 (шахснинг СТИРи), 11, 13, 15, 15а, 17, 17а, 18, 19, 20, 21, 23, 24, 25, 26, 29, 37 (биринчи иккита рақамдан ташқари), 40, 41, 44, 46-графаларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин, бундан ҳисобланган божхона тўловларига ёки ташқи савдо контракти (шартномаси, келишувини) маълумотларига таъсир этадиган ҳолатлар мустасно.

2-§. БДТни божхона органларида рўйхатга олиш ва расмийлаштириш

90. Божхона органларига тақдим этилган БДТ дастлабки текширувдан ўтказилади. Бунда БДТда кўрсатилган БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш учун божхона органи томонидан рухсат берилганлиги, БДТнинг формати ва тузилиши, деларацияловчи шахснинг ЭРИсининг ҳақиқийлиги, декларацияловчи шахс декларацияловчи шахслар рўйхатида мавжудлиги, декларацияловчи шахслар рўйхатига киритилмаган бўлса бу бўйича унга божхона органи томонидан рухсат берилганлиги божхона органи томонидан текширилади. Дастлабки текширувда хато ва (ёки) камчилик аниқланмаса БДТ рўйхатга олинади.

91. Дастлабка текширувда хато ва (ёки) камчиликлар аниқланса БДТ божхона органи томонидан қайтарилади ва бу ҳақда декларацияловчи шахсга ахборот алмашиш тизими орқали ахборот юборилади.

92. БДТ рўйхатга олингандан сўнг:

БДТ рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш учун тақдим этилган бўлса — уни расмийлаштириш БЮД расмийлаштирилгунга қадар амалга оширилади;

БДТ расмийлаштирилган БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш учун тақдим этилган бўлса — уч иш куни ичида расмийлаштирилади.

93. БДТ расмийлаштирилгандан сўнг у орқали автоматлашган ҳолда божхона органларининг ахборот тизими томонидан БЮДга тегишли ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилади.

8-боб. БДТга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш ёки қайтариб олиш

94. БДТ рўйхатга олингандан сўнг расмийлаштирилгунга қадар божхона органи томонидан хато ва (ёки) камчилик аниқланса БДТ божхона органи томонидан қайтарилади ва бу ҳақда декларацияловчи шахсга ахборот алмашиш тизими орқали хабар юборилади.

Хабарномада БДТдаги хато ва (ёки) камчиликлар, қайтарилган БДТнинг ўрнига янги БДТни тақдим этиш муддати ҳам баён этилади.

95. Декларацияловчи шахс хабардор этилган вақтдан бошлаб бир иш куни давомида қайтарилган БДТнинг ўрнига янги БДТни тақдим этиши лозим.

96. Декларацияловчи шахс томонидан рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган БЮД бўйича божхона органига:

янги БДТ белгиланган муддатда тақдим этиладиган бўлса — божхона органи тақдим этилган янги БДТни мазкур Низом талаблари асосида рўйхатга олади ва дастлабки текширувдан ўтказади.

янги БДТ бир иш куни давомида тақдим этилмайдиган бўлса — БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун БДТ тақдим этилмаган деб ҳисобланади ва БЮД бекор қилинади, мазкур Низомнинг 26-бандида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

97. Божхона органи декларант ёки декларацияловчи шахс томонидан кўрсатилган сабабларни асосли деб топса, БДТ расмийлаштирилгунга қадар мурожаат қилган декларант ёки декларацияловчи шахс томонидан қайтариб олиниши мумкин.

98. БДТ расмийлаштирилгандан сўнг БЮДнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади ва унда хато ва (ёки) камчилик аниқланган тақдирда уни тузатиш янги БДТни тақдим этиш ҳамда расмийлаштириш орқали амалга оширилади.

99. БЮДга расмийлаштирилган БДТдаги хато ва (ёки) камчиликларни бартараф этиш мазкур Низомга мувофиқ расмийлаштирилган электрон БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритишга қўйилган талаблар асосида амалга оширилади.

IV бўлим. Якуний қоидалар

100. Битта товар юзасидан такроран қабул қилинган БЮДларни бекор қилиш ёки қайтариб олишда нисбатан хавф даражалари паст бўлган БЮДлар бекор қилинади ёки қайтарилади.

Агар битта товар юзасидан қабул қилинган БЮДларнинг хавф даражалари бир хил бўлса, уларнинг рўйхатга олинган вақти бўйича охиргилари бекор қилинади ёки қайтарилади.

101. ТЭДААТда божхона органлари ва декларацияловчи шахслар ўртасида ахборот алмашиш тизими орқали хабарлар билан алмашиш ва бу орқали тегишли ҳужжатларни тақдим этиш ва қабул қилиб олиш имконияти ДБҚ томонидан таъминланади.

102. ДБҚ декларацияловчи шахсларга ТЭДААТ ва ДБҚ томонидан кўрсатиладиган интерактив хизматлар орқали тақдим этилган БДТ ҳамда ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилган БЮДни юклаб олиш, қоғоз шаклини чоп этиш ҳуқуқи ва имкониятини таъминлайди.

103. Қайтариб олинган ёки бекор қилинган БЮДнинг 7-графасидаги рўйхат рақами ҳамда 54-графасида декларацияловчи шахс томонидан БЮДга берилган рақамни бошқа БЮДга бериш тақиқланади.

104. Декларант божхона постининг ёки ҳудудий божхона бошқармасининг БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ёки бекор қилиш бўйича хати юзасидан эътироз билдириб юқори турувчи божхона органига ёки судга шикоят қилишга ҳақли.

105. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

106. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Савдо-саноат палатаси раиси ***А. ИКРАМОВ***

2019 йил 26 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

72 Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага энг кам талабларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2905-4

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 сентябрдаги 714-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 10 июлдаги 90-сон буйруғи (рўйхат рақами 2905, 2017 йил 28 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 756-модда) билан тасдиқланган Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага энг кам талабларга иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Вазир **А. ШАДМАНОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 14 январь,
108-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 14 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил
14 январдаги 108-сон буйруғига
ИЛОВА

Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага энг кам талабларга киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар

1. 5-боб қуйидаги мазмундаги 7^1 — 7^3-бандлар билан тўлдирилсин:

«7^1. Паразитологик лаборатория диагностикасидан иборат бўлган амбулатор типдаги тиббиёт ташкилотида қуйидагилар бўлиши лозим:

стерил тиббиёт асбоб-ускуналари учун стол (камида 2 дона);

врач учун иш столи;

стуллар;

кушетка (камида 2 дона);

муолажа ўтказиладиган хонада стационар ҳолатдаги бактериоцид лампа;

хоналар учун кўчма бактериоцид лампа;

бикс (камида 4 дона);

лаборатория столи (камида 2 дона);

совутгич (холодильник);

газ ёки электр плиталар;

реагентлар учун икки камерали совутгич (холодильник);

кийимлар учун жавон;

ҳаво сўриб олувчи жавон;

стериллаш ва дистиллаш учун мўлжалланган тиббиёт асбоб-ускуналари;

термостат;

центрифуга (пробирка учун 8 та 15 мл. ўлчамли ёки 6 та 15 мл. ўлчамли);

предмет шишачаси тўплами (камида 200 дона);

қоплама шишачаси тўплами (камида 200 дона);

ёритгичли бинокуляр микроскоп;

1180 — 1240 диапазонли ареометр;

pH-метр ёки индикатор тестлари;

предмет шишачаси тўплами (6 x 10 см, 8 x 12 см, камида 200 дона);

қоплама шишачаси тўплами (камида 200 дона);

лаборатория идишлари тўплами;

30, 50, 100 гр.ли полиэтилен ёки шиша стаканлар (камида 100 дона);

пробиркалар учун штативлар;

металл ковузлок (петля), 0,5 — 1 см, камида 20 дона);

шиша пипеткалар (камида 20 дона);

Петри идишчалари (камида 100 дона);

пинцетлар ва игналар;

шиша воронкалар;
кимёвий реагентлар;
резина пробкалар;
турли озуқа муҳитлари учун идиш.

7^2. Биоматериал йиғиш пункти ташкил этиладиган амбулатор типдаги тиббиёт ташкилотида қуйидагилар бўлиши лозим:
стерил тиббиёт асбоб-ускуналари учун стол (камида 2 дона);
стол ва стуллар;
кушетка ёки қон олиш учун махсус ўриндиқ;
болалар учун йўргак столи (чақалоқлар билан ишланса);
муолажа ўтказиладиган хонада стационар ҳолатдаги бактериоцид лампа;
хоналар учун кўчма бактериоцид лампа;
совутгич (холодильник);
термосумка;
центрифуга;
термостат (қондан ташқари биоматериаллар учун);
ҳаво сўриб олувчи жавон (қондан ташқари биоматериаллар учун);
бир марта қўлланиладиган скарификатор (камида 200 дона);
предмет шишачалари тўплами;
турли қопқоқчали вакутейнерлар;
пробиркалар;
вакутейнер ва пробиркалар учун штативлар;
биоматериаллар учун контейнерлар;
спиртли салфеткалар;
бир марталик қўлқоплар;
бир марталик шприцлар;
фойдаланиб бўлинган нарсаларни ташлаш учун идишлар;
кийимлар учун жавон ёки илгич.

7^3. Бактериологик лаборатория диагностикаси ташкил этиладиган амбулатор типдаги тиббиёт ташкилотида қуйидагилар бўлиши лозим:
стерил тиббиёт асбоб-ускуналари учун стол (камида 2 дона);
врач учун иш столи;
стуллар;
кушетка (камида 2 дона);
муолажа ўтказиладиган хонада стационар ҳолатдаги бактериоцид лампа;
хоналар учун кўчма бактериоцид лампа;
бикс (камида 4 дона);
лаборатория столи (камида 2 дона);
совутгич (холодильник);
газ ёки электр плиталар;
реагентлар учун икки камерали совутгич (холодильник);
кийимлар учун жавон;
ҳаво сўриб олувчи жавон;
стериллаш ва дистиллаш учун мўлжалланган тиббиёт асбоб-ускуналари;
термостат;

центрифуга (пробирка учун 8 та 15 мл. ўлчамли ёки 6 та 15 мл. ўлчамли);

предмет шишачаси тўплами (камида 200 дона);

қоплама шишачаси тўплами (камида 200 дона);

ёритқичли бинокуляр микроскоп;

1180 — 1240 диапазонли ареометр;

pH-метр ёки индикатор тестлари;

предмет шишачаси тўплами (6 х 10 см, 8 х 12 см, камида 200 дона);

қоплама шишачаси тўплами (камида 200 дона);

лаборатория идишлари тўплами;

30, 50, 100 гр.ли полиэтилен ёки шиша стаканлар (камида 100 дона);

пробиркалар учун штативлар;

металл ковузлок (петля), 0,5 — 1см, камида 20 дона);

шиша пипеткалар (камида 20 дона);

Петри идишчалари (камида 100 дона);

пинцетлар ва игналар;

шиша воронкалар;

кимёвий реагентлар;

резина пробкалар;

турли озуқа муҳитлари учун идиш;

автоматлаштирилган идентификацияли бактериологик анализатор;

ламинар жавон;

стереомикроскоп;

горелкалар;

ПЦР тўплами;

анаэростатлар ёки юқори ис газли термостатлар;

серотиплар учун тўпламлар;

муҳитлардаги pHни ўлчаш воситалари.».

2. 6-бобнинг номи «диетология» деган сўздан кейин «ҳамда паразитология» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. 8-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«клизма мосламаси (паразитология, гастроэнтерология учун).».

4. 9-бандда:

ўн тўққизинчи хатбошидаги «программа» деган сўз «дастур» деган сўз билан алмаштирилсин;

йигирма саккизинчи хатбошидаги «магнитафон» деган сўз «магнитофон» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«клизма мосламаси (паразитология, гастроэнтерология учун).».

5. Қуйидаги мазмундаги 6^1-боб билан тўлдирилсин:

«6^1-боб. Интервенцион кардиология ихтисослиги бўйича

9^1. Маслаҳат, диагностика, консерватив ва оператив даволашдан иборат бўлган стационар типдаги тиббиёт ташкилотида қуйидагилар бўлиши лозим:

стерил тиббиёт асбоб-ускуналари учун стол (камида 2 дона);
врач учун иш столи;
ҳамширалар пости учун стол;
стуллар;
кушетка;
совутгич (холодильник);
каравотлар;
кўп функцияли каравот;
муолажа ўтказиладиган хонада стационар ҳолатдаги бактериоцид лампа;
палаталар учун кўчма бактериоцид лампа;
бикс (камида 4 дона);
штатив (суюқликларни томчилатиб қуйишга мўлжалланган);
стериллаш ва дистиллаш учун мўлжалланган тиббиёт асбоб-ускуналари;
тонометр ва фонендоскоп;
рентгенангиография комплекси;
магистрал томирларни катетерлаш тўпламлари;
қоннинг қуюлишини актив вақтини аниқлаш учун портатив аппарат;
беморлар учун аравачалар;
беморлар учун замбил;
тиббиёт термометри;
коронар стентлар;
баллонли катетерлар;
коронар ўтказгичлар;
ўтказувчи катетерлар;
диагностика катетерлари (JL, JR);
диагностика ўтказувчилари;
интродьюсерлар;
баллонли катетерлар периферик томирлар учун;
периферик томирлар учун стентлар;
кава-фильтрлар;
бир марталик қўлқоплар;
функционал тўшаклар;
тўшак олди тумбаси;
марказлашган, ҳар бир тўшакка уланган кислород, ҳаво, вакуум ўтказгичи;
консоль-электр розеткалари;
вакуумли аспиратор;
соясиз операция лампаси;
бикслар ва бикс ушлагичлар;
хирургик электр сўргич бактериал фильтр билан;
ЭКГ портатив;
ЭКГ аппарати (кўп каналли);
ЭхоКГ аппарати (қизилўнгач учун датчик билан);
юракни миокардиал, трансвеноз, эндокардиал ва ташқи электростимуляцияси учун электрокардиостимулятор;

марказлашган компьютер ва 5 улагичли ЭКГли, юрак қисқаришлари, нафас олиш частотаси, инвазив ва ноинвазив артериал босимни ўлчаш, ўпка артериясининг босимини ўлчаш, марказий веноз босимни ўлчаш, юрак қон ҳайдаши, қондаги гемоглобиннинг кислород билан таъминланганлигини аниқлаш, бадан ҳароратининг ўзгаришлари, SOS сигналини автоматик равишда берувчи (сигнал тревоги) каравот олди кардиомониторлари;

ИВЛ аппарати ташқи нафас функциясини мониторинглайдиган ва газоанализаторли;

транспортировка учун портатив нафас олиш аппарати;

трахея интубацияси тўплами;

инфузоматлар;

инфузион стойкалар 5 дозаторли ва 3 инфузоматли;

бифазали дефибриллятор синхронлаш функцияси билан;

принтерли персонал компьютер программалашган тармоқ билан, тез хабар бериш ва жавоб қилиш системаси, нусха олиш, чоп этиш ва сканерлаш учун кўп функцияли мосламалар;

ультратовушли ингалятор;

инфузион ва трансфузион воситаларни вена ичига тез юбориш системаси;

интубацияли ва вена ичи наркозлаш тўпламлари;

кўп функцияли наркозли нафас олиш аппарати;

тарози;

тиббиёт термометри.».

6. 12-бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12-боб. Акушерлик ва гинекология, ўсмирлар (болалар) гинекологияси ихтисослик турлари бўйича».

7. 27-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27. Маслаҳат, диагностика ва консерватив ва оператив даволашдан иборат бўлган стационар типдаги тиббиёт ташкилотида қуйидагилар бўлиши лозим:

стерил тиббиёт асбоб-ускуналари учун стол (камида 2 дона);

гинекология креслоси (ёритгич лампаси билан);

операция столи;

электр сўргич;

электр коагулятор;

аппарат ЭКГ;

дефибриллятор;

ИВЛ ва наркоз аппарати;

ларингоскоп;

пульсоксиметр;

кардиомонитор;

соясиз операция лампаси;

кўчма ёритгич;

врач учун иш столи;
акушер стетоскопи;
бир марталик қоғоноқни ёриш учун амниотомлар;
кичик габаритли она ва ҳомила қон айланиш фаолиятини аниқловчи допплер аппарати;
сантиметр тасмаси;
ҳомила вакуум экстрактори;
бачадон тампонадаси учун мослама;
азот оксиди манбаси (марказий тарқатма);
қон гуруҳини аниқлаш учун планшет;
эритмаларни илитиш учун мослама;
плазма эритувчи ускуна;
ҳамширалар пости учун стол;
стуллар;
кушетка;
совутгич (холодильник);
тиббиёт каравотлари (кўп функцияли электр узатгичли, мониторли);
бир марталик туғуруқ қабул қилиш учун акушерлик тўплами;
туғуруқ йўлларини кўриш учун асбоб-ускуналар тўплами;
аравача (каталкалар);
томбоэластограф (қон қуюлиш жараёнини кузатиш ва қайд қилиш учун);
қон реинфузияси учун мослама (қонни қайта қуйиш учун);
инфузион терапия учун мослама (қон қуйиш учун);
бачадон ичи шейвери;
кўп функцияли универсал бачадон манипулятори;
кольпоскоп;
муолажа ўтказиладиган хонада стационар ҳолатдаги бактериоцид лампа;
хоналар учун кўчма бактериоцидли чироқ;
бикс (камида 4 дона);
«форма 30» бикс жамламаси;
штатив (суюқликларни томчилатиб қуйишга мўлжалланган камида 2 дона);
стериллаш ва дистиллашга мўлжалланган тиббиёт асбоб-ускуналари;
бўй ўлчагич;
чаноқни ўлчаш асбоби;
тонометр ва фонендоскоп;
бачадон зонди (камида 4 дона);
Симпс ойна тўплами (камида 8 дона);
Куско ойнаси (камида 6 дона);
корнцанг (камида 6 дона);
учли қисқич (камида 2 дона);
тарози;
кураксимон ойнача;

ярани кенгайтиргич (камида 2 дона);
Гегар кенгайтиргичи (7 ўлчамдан 12 ўлчамгача) (камида 2 та тўплам);
бир марталик қўлқоплар;
бир марталик гинекологик тўплам (турли ўлчамларда);
лаборатория ойначалари;
кюреткалар (2, 4, 6 ўлчамли) (камида 2 та тўплам);
Кохер қисқичи;
Микулич қисқичи;
игна ушлагичлар;
катетерлар;
акушерлик қисқичи;
хирургия игналари ва тикиш тўплами (камида 10 та);
пианалар (камида 5 дона);
хирургия пичоғи (скалпель 2 дона);
қайчилар (камида 2 дона);
интубация трубкалари 4 дона турли ўлчамда;
тикув материаллари;
Амбу қопи;
кислород маскаси;
гемодинамика монитори;
хирургия чойшаби;
хирургия пичоғи учун бир мартали олмослар;
суюқликлар учун идишлар;
тиббиёт термометри.».

8. Қуйидаги мазмундаги 12^1 ва 12^2-боблар билан тўлдирилсин:

«12^1-боб. Репродуктология ихтисослик тури бўйича

27^1. Маслаҳат, диагностика, консерватив, кичик оператив даволашдан иборат бўлган амбулатор типдаги тиббиёт ташкилотида қуйидагилар бўлиши лозим:

врач учун иш столи;
компьютер ва принтер;
стуллар;
стерил тиббиёт асбоб-ускуналари учун стол;
кушетка;
ширма;
операцион гинекология креслоси;
бикс (камида 2 дона);
«ВИЧга қарши» жамланма;
штатив (суюқликларни томчилатиб қуйишга мўлжалланган) (камида 2 дона);
дезинфекцион контейнерлар;
муолажа ўтказиладиган хонада стационар ҳолатдаги бактероцидли чироқ;

тарози;
бўй ўлчагич;
стериллаш ва дистиллашга мўлжалланган тиббиёт асбоб-ускуналари;
танометр ва фонендоскоп;
стетофонендоскоп;
операция столи;
соясиз операция лампаси;
вакуум-аспиратор;
ларингоскоп клинклар тўплами билан;
дефибриллятор;
ИВЛ ва наркоз аппарати;
пульсоксиметр;
персонал кузатув монитори;
гинекологик кўрув ускуналари;
марказлашган кислород тармоғи;
вагинал ва абдоминал датчикли ультратовуш аппарати;
кузатиш телевизори;
ёритгичли лампа;
суюқ азот учун Дьюар идиши;
консервацияланган жинсий ҳужайраларни сақлаш учун Дьюар идиши;
жинсий ҳужайраларни жўнатиш учун Дьюар идиши;
биоматериал учун контейнерлар;
хонадаги кислород ҳажмини кузатиш датчиклари;
бир марталик қўлқоплар;
бир марталик гинекологик тўпламлар (турли ўлчамларда);
бинокуляр лупа;
жинсий ҳужайралар учун муҳитни сақлайдиган идиш;
кичик пипеткалар;
пластик;
иситгичли столчалар;
манипулятор;
IVF ишчи станцияси;
антивибрацион стол;
термостат (CO_2 инкубатор);
ёритгичли микроскоп;
инвертирланган микроскоп;
микроманипулятор;
центрифуга;
ламинацияланган бокс иситгичи билан;
инкубаторлардаги CO_2 миқдорини кузатиш датчиклари;
чиқиндилар учун контейнер;
аравачалар;
тиббиёт термометри.

12²-боб. Неонатология ихтисослик тури бўйича.

27². Маслаҳат, диагностика, консерватив даволашдан иборат бўлган стационар типдаги тиббиёт ташкилотида қуйидагилар бўлиши лозим:

стерил тиббиёт асбоб-ускуналари учун стол (камида 2 дона);

врач учун иш столи;

ҳамширалар пости учун стол;

стуллар;

кушетка;

неонатал каравотлар;

мониторли каравотлар (электр узатмалар ва ҳароратни мувозанатлаштирувчи мосламалар билан);

чақалоқлар учун реанимация столи (Неотерм);

миянинг электр фаоллигини кузатувчи мослама;

CPAP — нафас йўлларида доимий мусбат босим яратувчи, мустақил нафас олишга кўмаклашувчи мослама;

кўчма инкубатор;

капнограф;

плазмани эритиш учун мослама;

транспортли кювез;

муолажа ўтказиладиган хонада стационар ҳолатдаги бактериоцид лампа;

палаталар учун кўчма бактериоцид лампа;

бикс (камида 6 дона);

штатив (суюқликларни томчилатиб қуйишга мўлжалланган) (камида 4 дона);

йўргак столи;

чақалоқлар учун тарози ва бўй ўлчагич;

стериллаш ва дистиллаш учун мўлжалланган тиббиёт асбоб-ускуналари;

тонометр ва фонендоскоп;

ЭКГ аппарати;

УТТ аппарати;

ларингоскоп турли ўлчамдаги клинклари билан;

ИВЛ аппарати;

наркозли нафас олиш аппарати;

пульсоксиметр;

эндотрахеал трубкалар (2,5 мм; 3 мм; 3,5 мм; 4 мм);

насосли шприцлар;

инфузомат;

мешок Амбу;

мобиль рентген аппарати;

негатоскоп;

глюкометр;

электр сўргич;

фототерапия учун лампа;

шпатель (камида 10 дона);

чақалоқлар учун назал канюлалар;
зондлар (6 мм, 8 мм, 12 мм);
ошқозон зондлари;
сийдик катетерлари;
стерил санацион юқори нафас органлари учун катетерлар;
тикиш материаллари;
томир клипслари;
ўмров ости (подключичный) катетерлари (0,6 мм);
катта томирлар катетеризацияси учун тўплам 3F10 мм, 4F15 мм, 5F20 мм;
эндотрахеал трубкалар 2 мм; 2,5 мм; 3 мм; 3,5 мм; 4 мм; 4,5 мм, 5 мм;
трахеостом трубкалар;
болалар кислород ниқоблари 3 см, 5 см, 7см;
томир катетерлари 20 мм, 22 мм, 24 мм;
киндик катетери;
пробиркалар (ПХ-16);
петри чашкаси;
ёзги ва қишки тўшакчалар;
чойшаблар;
тиббиёт термометри.».

9. 36-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«36. Маслаҳат, диагностика, консерватив ва оператив даволашдан иборат бўлган стационар типдаги тиббиёт ташкилотида қуйидагилар бўлиши лозим:
стерил тиббиёт асбоб-ускуналари учун стол;
врач учун иш столи;
стуллар;
тонометр ва фонендоскоп;
бир марталик қўлқоплар;
кушетка;
совутгич (холодильник);
муолажа ўтказиладиган хонада стационар ҳолатдаги бактериоцид лампа;
хоналар учун кўчма бактериоцид лампа;
штатив (суюқликларни томчилатиб қуйишга мўлжалланган);
стериллаш ва дистиллашга мўлжалланган тиббиёт асбоб-ускуналари;
нейрохирургик операция столи (электр привод билан);
соясиз операция лампаси;
боғлов столи;
пешона ёритгичи;
бикслар;
электр сўргич;
монополяр, биполяр коагуляторлар;
коагуляция учун биполяр пинцет (Ясаргил) (175 мм — 0,4 мм, 175 мм — 1.0 мм);
аппарат ЭКГ;
аппарат Эхо ЭЭГ;

ЭОП (электр оптик мослашма);
операцион микроскоп;
мобиль рентген;
дефибриллятор;
ИВЛ аппарати;
наркозли нафас олиш аппарати;
ларингоскоп;
пульсоксиметр;
кардиомонитор;
кўп функцияли каравотлар (электр узатмалар билан жиҳозланган);
краниотомия ўтказиш учун тўплам (бош мия жарроҳлиги учун);
тезкор краниотомия ўтказиш учун тўплам (бош мия жарроҳлиги учун);
ламиноэктомия ўтказиш учун тўплам;
бош фиксацияси учун скоба (бош мия жарроҳлиги учун);
нейроэндоскоп;
Рэнни клипслари;
суяк қисқичлари (Керрисон) (1,0 мм, 2,0 мм, 3,0 мм, 4,0 мм, 5,0 мм);
Луэр, Бильрот Микулич, Алис, Кохер қисқичлари;
оддий анатомик ва хирургик қисқичлар (пинцетлар);
Каспар тўғри, эгри конхатомлари;
тўмтоқ учли элеватор;
Давис диссектори;
Каспар кюреткаси;
мия шпатели;
мия ретракторлари тўплами (Лейла) (бош мия жарроҳлиги учун);
Байонет микро қайчилари, микро игна ушлагичлари (тўғри ва эгилган);
микро пинцетлар;
гипофиз учун кюреткалар тўплами (бош мия жарроҳлиги учун);
микросўргич наконечниклари;
бўйин ретракторлари тўплами;
бўйин умуртқаси учун Кейджлар;
бўйин, кўкрак ва бел умуртқаси учун фиксаторлар;
гемостатик губкалар;
микропластиналар;
паренхиматоз бош мия босимини ўлчаш учун Кодман аппарати (датчиклари билан) (бош мия жарроҳлиги учун);
эндоваскуляр муолажалар учун микрокатетерлар;
клапанли шунтлар (паст, ўрта ва юқори босимли);
махсус томир ичи материаллари ва препаратлари тўплами;
Вайтланер 130 мм. 5 1/8 яра кенгайтиргичлари тўмтоқ ва эгри учли;
Вулстайн 130 мм. 5 1/8 яра кенгайтиргичлари тўмтоқ ва эгри учли;
негатоскоп;
бинокуляр лупалар (2 ва 4,5 марта катталаштириш учун);
микропинцет (0,3 мм 135 мм. 5j тикиш учун);
кўп функцияли мониторлар инвазив ва ноинвазив текширувлар учун;

Луэр, Бильрот Микулич, Алис, Кохер қисқичлари;
интубация трубкалари;
Амбу қопи;
кислород маскаси;
гемодинамика монитори;
хирургик чойшаблар;
кичик ва катта нейрохирургик тўплам;
суюқликлар учун идишлар;
атравматик тикув материаллари сўриладиган, сўрилмайдиган;
транспедикуляр фиксатор системалари;
титан пластиналари (умуртқалар учун);
бош суяк дефектларини ёпиш учун титан сеткалар ва протакрил;
беморлар учун аравачалар;
беморлар учун замбил;
тиббиёт термометри.».

10. 41-бандда:

саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўққизинчи — қирқ олтинчи хатбошилар тегишли равишда саккизинчи — қирқ бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўнинчи — қирқ бешинчи хатбошилар тегишли равишда тўққизинчи — қирқ тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

йигирма саккизинчи хатбошидаги «бир мартали» деган сўзлар «бир марталик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 44-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«кушетка;
химиотерапия тўплами;
нур билан даволаш асбоб-ускуналар тўплами.».

12. 47-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«47. Маслаҳат, диагностика консерватив ва кичик (каминвазив, эндоскопик) оператив даволашдан иборат бўлган амбулатор типдаги тиббиёт ташкилотида қуйидагилар бўлиши лозим:

стерил тиббиёт асбоб-ускуналари учун стол;
врач учун иш столи;
ҳамширалар учун стол;
стуллар;
тиббиёт асбоб-ускуналари учун жавон;
ортопедия столи;
кушетка;
тоғоралар;
тоғоралар учун Краснобаева таглиги;
винтли табуретка;
бикс (камида 2 дона);
муолажа ўтказиладиган хонада стационар ҳолатдаги бактериоцид лампа;
ходимлар кийими учун жавон;

йиғилувчан ширма;
беморларнинг кийимлари учун илгич;
рентгенограммаларни сақлаш учун ёнмайдиган қути (сейф);
гипслаш ишлари учун стол;
гипс бинтлари учун жавон;
гипсли бинтларни тайёрлаш учун стол;
совутгич (холодильник);
стериллаш ва дистиллашга мўлжалланган тиббиёт асбоб-ускуналари;
негатоскоп;
тонометр ва фонендоскоп;
градусли бурчак ўлчагич;
Дитерих шинаси (камида 2 дона);
Штилля қайчиси (камида 2 дона);
Кнорре гипс кенгайтиргичи (камида 2 дона);
корнцанг (камида 2 дона);
анатомик ва хирургия пинцети (камида 2 дона);
бир марталик қўлқоплар;
тиббиёт термометри;
каравотлар (оператив даволаш учун);
кўп функцияли каравот (камида 2 дона) (оператив даволаш учун);
операция столи (оператив даволаш учун);
соясиз операция лампаси (оператив даволаш учун);
артроскоп (оператив даволаш учун);
артроскопик асбоб-ускуналар (камида 10 дона, оператив даволаш учун);
артроскопик оптика (камида 4 дона, оператив даволаш учун);
Купер қайчиси (камида 2 дона, оператив даволаш учун);
электр сўргич (оператив даволаш учун);
электр коагулятор (оператив даволаш учун);
ЭКГ аппарати (оператив даволаш учун);
оғиз кенгайтиргич (камида 2 дона, оператив даволаш учун);
тил ушлагич (камида 2 дона, оператив даволаш учун);
ошқозон зондлари (оператив даволаш учун);
турли пичоқчалар (камида 4 дона, оператив даволаш учун);
игна ушлагичлар (камида 4 дона, оператив даволаш учун);
тикув материаллари (камида 5 дона, оператив даволаш учун);
ИВЛ аппарати (оператив даволаш учун);
наркозли нафас олиш аппарати (оператив даволаш учун);
дефибриллятор (оператив даволаш учун);
ларингоскоп (оператив даволаш учун).».

13. 30[1]-боб қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30[1]-боб. Халқ табобати ихтисослиги бўйича

54[1]. Маслаҳат, диагностика ва консерватив даволашдан иборат бўлган амбулатор типдаги тиббиёт ташкилотида қуйидагилар бўлиши лозим:

стерил тиббиёт асбоб-ускуналари учун стол (хижома, гирудотерапия, фитотерапия, гомеопатия учун);

халқ табобати вакили учун иш столи;

стуллар;

кушетка;

муолажа хонасида стационар ҳолатдаги бактериоцид лампа;

стериллаш ва дистиллаш учун мўлжалланган тиббиёт асбоб-ускуналари;

тонометр ва фонендоскоп;

тиббиёт термометри.

совутгич (холодильник);

хижома учун тўплам;

зулукни сақлаш учун идишлар (гирудотерапия учун);

ариларни сақлаш учун мослама (апитерапия учун);

кўп игнали болғача (акупунктура учун);

неврологик болғача (акупунктура учун);

дезинфекция воситалари ва ёрлиқланган идишлар (хижома ва гирудотерапия учун);

бир марталик қўлқоплар;

стерил материаллар: бинт, тампон, сочиқлар (хижома, гирудотерапия су-джок учун);

стерил материал учун бикслар (хижома ва гирудотерапия, су-джок учун);

ишлатиб бўлинган материал учун идишлар (хижома, гирудотерапия, апитерапия учун);

олинган қонни йиғиш учун идиш (хижома учун);

бир марталик скальпеллар (хижома учун);

пинцетлар (хижома, гирудотерапия, акупунктура, апитерапия учун);

петри ликобчалари (хижома, гирудотерапия, акупунктура, апитерапия учун);

лейкопластрь (хижома ва гирудотерапия учун);

бир марталик чойшаблар;

бир марталик игналар (акупунктура, акупрессура, су-джок учун);

муолажа вақтини белгилаш учун сигналли соат (акупунктура, су-джок учун);

бир марталик стаканлар (фитотерапия, гомеопатия учун);

графинлар (фитотерапия, гомеопатия учун);

фитоичимлик тайёрлаш учун аппарат (фитотерапия учун);

фитобар-стойка, стол-стуллар ва идишлар учун шкаф (фитотерапия учун);

мокслар, магнитлар, массажерлар, табиий тошлар, металл юлдузлар (су-джок учун);

кўп мартали стаканлардан фойдаланилганда, уларни ивитиш, ювиш,

дезинфекциялаш воситалари (фитотерапия, гомеопатия учун);

стандарт ўлчамдаги уқалаш кушеткаси (мануал терапия, акупрессура учун).

54[2]. Маслаҳат, диагностика ва консерватив даволашдан иборат бўлган стационар типдаги тиббиёт ташкилотида қуйидагилар бўлиши лозим:

стерил тиббиёт асбоб-ускуналари учун стол (хижома, гирудотерапия, фитотерапия, гомеопатия учун);

халқ табобати вакили учун иш столи;

ҳамширалар пости учун стол;

стуллар;

кушетка;

совутгич (холодильник);

муолажа ўтказиладиган хонада стационар ҳолатдаги бактериоцид лампа;

стериллаш ва дистиллаш учун мўлжалланган тиббиёт асбоб-ускуналари ёки стерилизацияни ўтказиш учун имзоланган шартнома (фаолиятида инвазив муолажалар мавжуд бўлганда);

каравотлар;

тонометр ва фонендоскоп;

тиббиёт термометри.

хижома учун тўплам;

зулукни сақлаш учун идишлар (гирудотерапия учун);

ариларни сақлаш учун мослама (апитерапия учун);

кўп игнали болғача (акупунктура учун);

неврологик болғача (акупунктура учун);

дезинфекция воситалари ва ёрлиқланган идишлар (хижома ва гирудотерапия учун);

бир марталик қўлқоплар;

стерил материаллар, бинт, тампон, сочиқлар (хижома, гирудотерапия, су-джок учун);

стерил материал учун бикслар (хижома ва гирудотерапия, су-джок учун);

ишлатиб бўлинган материал учун идишлар (хижома, гирудотерапия, апитерапия учун);

олинган қонни йиғиш учун идиш (хижома учун);

бир марталик скальпеллар (хижома учун);

пинцетлар (хижома, гирудотерапия, акупунктура, апитерапия учун);

Петри ликобчалари (хижома, гирудотерапия, акупунктура, апитерапия учун);

лейкопластрь (хижома ва гирудотерапия учун);

бир марталик чойшаблар;

бир марталик игналар (акупунктура, акупрессура, су-джок учун);

муолажа вақтини белгилаш учун сигналли соат (акупунктура, су-джок учун);

бир марталик стаканлар (фитотерапия, гомеопатия учун);

графинлар (фитотерапия, гомеопатия учун);

фитоичимлик тайёрлаш учун аппарат (фитотерапия учун);

фитобар-стойка, стол-стуллар ва идишлар учун шкаф (фитотерапия учун);

мокслар, магнитлар, массажерлар, табиий тошлар, металл юлдузлар (су-джок учун);

кўп мартали стаканлардан фойдаланилганда, уларни ивитиш, ювиш, дезинфекциялаш воситалари (фитотерапия, гомеопатия учун);

стандарт ўлчамдаги уқалаш кушеткаси (мануал терапия, акупрессура учун).».

14. Мазкур қўшимча ва ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси билан келишилган.

Савдо-саноат палатаси раиси ***А. ИКРАМОВ***

2020 йил 14 январь

Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси раиси ***Р. ИЗАМОВ***

2020 йил 14 январь

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2020 йил 8 февралдан 14 февралгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг 2019 йил 30 декабрдаги 46-сон «Хорижда бўлган (бўлиб турган) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг консуллик рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3218.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 28 декабрдаги 33/6-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-19.

3. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2020 йил 27 январдаги 2-мҳ-сон «Ўқувчиларни синфдан синфга ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2684-2.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 13 декабрдаги 30/6-сон «Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3219.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 26 декабрдаги 01-02/15-72-сон «Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2784-1.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 26 декабрдаги 01-02/15-71-сон «Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3220.

7. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 14 январдаги 108-сон «Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага энг кам талабларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2905-4.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири томонидан тасдиқланган Чет элдаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларини рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисида йўриқнома (рўйхат рақами 348, 1997 йил 4 июнь).

Адлия вазирининг 2020 йил 10 февралдаги 37-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2784, 2016 йил 10 май).

Адлия вазирининг 2020 йил 10 февралдаги 41-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.